

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Наманган Давлат университети
Ҳуқуқшунослик факультети
Фуқаролик ҳуқуқи ва процесси кафедраси
ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ фанидан

РЕФЕРАТ

**Мавзу: ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА УНИФИКАЦИЯ,
КОДИФИКАЦИЯ ВА СИТЕМАТИЗАЦИЯ.**

Тайёрлади: **НАЗИРОВА ДИЛНОРА ЮНУСЖОНОВНА**
кундузги бўлим IV курс
404-гуруҳ талабаси

Илмий раҳбар: **НАЗИРОВ УМИДЖОН ИНОМЖОНОВИЧ**

Наманган-2011

Мавзу: Халқаро хусусий ҳуқуқда унификация, кодификация ва систематизация.

Кириш.....3-11

I Боб. Унификация тушунчаси ва халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини унификациялаш.

1§ Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш халқаро хусусий ҳуқуқнинг ўрни ва аҳамияти.....12-21

2§ Унификация тушунчаси ва тарихий ривожланиши.....22-28

3§. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини унификациялаш.....29-35

II Боб. Кодификация тушунчаси ва халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини кодификациялаш жараёни.

1§. Кодификация тушунчаси ва зарурий белгилари.36-39

2§. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини кодификациялаш:.....40-67

а) Лотин Америкаси мамлакатлари ва Африка давлатлари мисолида.

б) АҚШ кодификацияси ва Англияда кодификациялаштириш.

с) Франция, Италия, Олмония мамлакатлари мисолида.

д) Швейцария, Швеция ва Австрия давлатлари.

е) Марказий ва Ўрта Осиё давлатлари.

3§. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини систематизациялаштириш муаммолари...68-72

ХУЛОСА.....73-76

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср.

Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар¹.

Кириш

Мустақил иши мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти.

«Мустақиллик йўлида олға борар эканмиз, барқарорликни сақлаш ва миллий хавфсизликни таъминлашнинг ҳал қилувчи шартлари жамиятимизнинг Республикаси мустақилликка эришгач, халқаро иқтисодий интеграциянинг таркиб сиёсий, иқтисодий ҳаётини, ижтимоий соҳаларини чуқур ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнларини жадал амалга оширишдан иборат эканлиги аён бўлиб бормоқда²»

Ўзбекистон бугун жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. У янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида олиб бораётган ислохотлари билан, яратувчанлик меҳнати билан, ўзининг мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқларининг ҳурмат-эътиборини, айтиш мумкинки, ҳавасини ўзига тортмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-бери давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришимиз зарур. Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-

¹ Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009, –12-бет.

² И.А.Каримов. Буюк келажак сари. Тошкент. «Ўзбекистон» 1994 йил. 18-бет

осойишта ҳаётни сақлаш каби бири-биридан масъулиятли ва кенг қўламли бир қатор вазифалар борки, юртимизнинг, жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги куни ана шу масалаларни қанчалик муваффақият билан ҳал этишимизга боғлиқдир³.

2010 йилда ўз олдимизга қўяётган юксак мақсад, вазифа ва режалар, қандай оғир бўлмасин, буларнинг барчаси, аввало, мамлакатимизнинг тараққий топган давлатлар қаторига чиқиши йўлидаги янги қадамдир⁴.

Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодийтимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш — бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат⁵.

Олдимизда турган яна бир муҳим масалага диққатингизни қаратишни лозим деб биламан. Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бугунги кунда тараққиёт ҳақида сўз борганда, илм-фаннинг ўрни ва аҳамияти ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, албатта.

Биз мамлакатимизнинг келажагини кўзда тутган ҳолда, бугунги кунда тараққий топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илғор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантириш мақсадида Фанлар академияси ва олий ўқув

³ **МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ - УСТУВОР МАҚСАДИМИЗДИР.**

И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўиша мажлисидаги маъруза, 2010 йил 27 январь.

⁴ **АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ - ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР.**

2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январь

⁵ **АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ - ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР.**

2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январь

юртлари таркибида янги лабораторияларни ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқалари ўрнатишига эришишимиз керак⁶. Сўнгги йилларда, давлатлар бир қаторда, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, юридик шахслар иштирокидаги халқаро хусусий масалалари такомиллашиб, алоҳида долзарблик касб этиб бормокда. Ўзбекистонда кейинги пайтларда чет эл элементи билан мураккаблашган халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатлар топиши ва шаклланиши учун қулай шароит юзага келди. Бизнинг олиб бораётган ҳуқуқий сиёсатимиз ўз миллий давлатчилигимизни, иқтисодийтимизни ва маънавиятимизни юксак чўққиларга олиб боришга қаратилганлигини ҳеч биримиз инкор эта олмаймиз..

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятида халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида тан олинши, халқаро оммавий ва хусусий ҳуқуқ фанлари устида илмий изланишлар олиб бориш учун имконият яратди ва бу фанларни ўрганиш учун зарурият оша бошлади.

Маълумки, давлатлар халқаро ҳуқуқнинг асосий субъектлари ҳисобланади; давлатлар бор экан, уларга ҳуқуқий субъектлик хосдир. Давлатлар ҳокимият ва бошқарув аппаратлари ҳамда ўз ҳудуди, аҳолиси ва энг муҳими, суверенитетга эгадирлар.

Суверенитет давлатларнинг халқаро хусусий ҳуқуқий субъектлигининг асосий пойдевори, кўрсаткичи демакдир. Халқаро хусусий ҳуқуқий субъектлик бошқа давлатларнинг иродасига ва улар томонидан халқаро хусусий ҳуқуқ субъекти сифатида тан олиншига боғлиқ эмас. Янада умумлашган тарзда олганда, халқаро хусусий ҳуқуқий субъектлик деганда, шахснинг халқаро ҳуқуқ субъекти бўла олиш қобилияти тушунилади⁷.

Халқаро хусусий ҳуқуқда унификация, кодификация ва систематизация

⁶ Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009, –10-бет.

⁷ Х.Р.Рахмонқулов. “Халқаро хусусий ҳуқуқ” дарслик. ТДЮИ.2004 й.

Масалаларини ҳал этиш ҳозирги куннимизнинг долзарб масаларидан бирига айланмоқда. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида Ўзбекистон олдида турган муҳим вазифалардан халқаро хусусий ҳуқуқий нормаларни унификация, кодификация ва систематизация қилиш, бу ташқи сиёсат стратегиясини шакллантиришдир.

Бизнинг мамлакатнинг халқаро тизимга қанчалик тез ва самарали киришидан нафақат миллий-давлат манфаатларимизнинг амалга оширилиши, балки тарихий тақдиримиз ҳам шунга боғлиқдир. Бунинг учун эса Ўзбекистон Республикаси ўз ташқи сиёсатида амалга оширилишидан кўзланган якуний натижалар аниқ белгиланиб олиши ва глобал муаммолардан бири халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини унификациялаш, кодификациялаш ва ситематизациялаш хусусида жиддийроқ бош қотиришимизни талаб этмоқда.

Мустақилликдан сўнг халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатлар кенгайиши қаторида, шу билан бирга мураккаблашган чет эл элементи мавжуд бўлган унификациялашган муносабатлар ҳам кенгайиб бормоқда. Мазкур муносабатларда, халқаро хусусий ҳуқуқнинг субъекти сифатида иштирок этганда қайси давлат ҳуқуқи қўлланилади ва қайси давлат органлари миллий қонунчилиги муносабатлардан келиб чиқадиган у ёки бу масалалар бўйича қарор қабул қилишга ваколатли, қочоқлар халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки юзасидан келиб чиқадиган муаммоларни ечиш бугунги кунимизнинг долзарб масалаларидан бирига айланмоқда. Бундай муаммолар халқаро хусусий ҳуқуқ доирасига тегишлидир.

Биз биламизки, халқаро хусусий ҳуқуқда унификация, кодификация ва ситетматизацияга доир муаммоли масалаларни қандай ҳал этиш лозимлиги хусусидаги тўғридан тўғри жавобни, тўғридан-тўғри кўрсатмани ўзида мужассам этган бирор қонун мавжуд эмас (унификация қилинмаган) балки, турли давлатларнинг миллий қонунчилик манбаларида ўзига хос кўринишда мавжуддир. Энг аввало, халқаро шартномалар, Ўзбекистон

Республикасининг ички қонунлари ва давлатларнинг миллий қонунларидадир.

Чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий муносабатларнинг кенг тарқалганлиги, халқаро хусусий ҳуқуқда унификация, кодификация ва ситетматизацияга оид муаммоларини келтириб чиқаради, зеро чет давлатлари ва Ўзбекистон Республикасида унификацияга масалаларини ҳал этишда хусусий ҳуқуқининг таъсир доирасига тез-тез тушиб қола бошладилар, бу эса тегишли равишда халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларда унинг субъектлари ҳуқуқларини ишончли қафолатлаш заруриятини келтириб чиқарди.

Иккинчи томондан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, юридик шахслар иштирокидаги халқаро хусусий ҳуқуқнинг субъекти сифатида мураккаблашуви натижасида ўзига хос низоли масалалар учраб турибди. Шу сабабдан, халқаро хусусий ҳуқуқий нормаларни унификация қилиш ва халқаро шартномалар, чет эл миллий ҳуқуқи нормаларини қўллаш ёндашувини тубдан ўзгартириш зарурияти юзага келди, зеро бу масалага нисбатан илгари мавжуд бўлган салбий муносабат кўпгина ҳолларда Давлат, фуқаролар ҳамда чет эл фуқаролари, юридик шахасларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини чеклаб қўйишга олиб келган эди.

Мавзунинг долзарблиги шундаки, ҳозирги иқтисодий интеграциялашув жаҳон иқтисодий хўжалиги байналминаллашуви жараёнида халқаро хусусий муносабатларнинг мураккаблашуви жадал ривожланмоқда. Халқаро хусусий ҳуқуқий нормаларни унификация, кодификация ва ситематизация масаласида чет давлатларда бу борада аниқ стратегиянинг мавжуд эмаслиги, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган, керак бўлса “муқаддас” саналган тамойилларини қўпол равишда бузилиш ҳоллари учраб турибди. Бу эса давлатлар ўртасидаги халқаро хусусий муносабатларнинг бузилиши, улар ўртасида низо келиб чиқиши, зўравонлик,

инсон ҳуқуқларининг поймол қилиниши ва бошқа қатор тузатиб бўлмас хатоларга сабаб бўлмоқда.

Ўз навбатида, жаҳон интеграциялашуви жараёнида халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини унификациялаш масалаларини ҳал этишни соддалаштириш, муаммолар ечимини топиш мавзумизнинг долзарблигини яна бир бор исботлайди.

Мустақил ишининг назарий ва услубий асосларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг фундаментал асарлари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасида мавжуд халқаро шартномалар, миллий қонунчилик нормалари, фалсафанинг билиш назарияси ҳамда, давлат ва ҳуқуқ назарияси томонидан қўлланиладиган мантиқий, сиёсий, анализ ва синтез, тизимлаштириш усуллари ташкил этади.

Мустақил ишининг мақсади ва вазифалари. Мустақил ишининг мақсади, Халқаро хусусий ҳуқуқий нормаларни унификация, кодификация ва ситематизациясига доир нормаларини такомиллаштириш, муаммоларни илмий томондан ўрганиш ва мавжуд назарияларни тадқиқ қилишдан иборат.

Бу тадқиқот жараёнида тадқиқот ишининг олдида қўйидаги вазифалар қўйилган:

- Халқаро хусусий ҳуқуқий нормаларни унификация, кодификация ва ситематизациясига доир муаммоли масалаларни илмий жиҳатдан очиқ бериш;

- мураккаблашган, чет эл элементи мавжуд бўлган бозор муносабатлари ҳуқуқий тизимида Халқаро хусусий ҳуқуқий нормаларни унификация, кодификация ва ситематизациясининг тутган ўрни ва аҳамиятини илмий жиҳатларини ўрганиш;

- Халқаро хусусий ҳуқукий нормаларни унификация, кодификация ва ситематизациясига доир миллий қонун нормаларини такомиллаштириш ва ҳозирда мавжуд бўлган низоли коллизиялар муаммоларни ечимини топиш;
- мавзунини ўрганиш жараёнида ҳулоса ва таклифлар бериш.

Мустақил ишининг амалий аҳамияти

Мазкур Мустақил иши халқаро хусусий ҳуқуқнинг долзарб муаммоси бўлган, халқаро хусусий ҳуқукий нормаларни унификация, кодификация ва ситематизация қилишга доир масалаларни ўрганишда ва таҳлил қилишда ҳуқуқшунос мутахассислар учун кенг фойдаланиш ва илмий изланиш олиб боришлари учун хизмат қилиши мумкин деб ўйлаймиз.

Мустақил ишининг илмий ишланганлик даражаси.

Халқаро хусусий ҳуқуқда унификация, кодификация ва ситематизация мавзусида бир қатор машҳур ҳуқуқшунос олимлар тамонидан ўрганилган, чунончи, Президентимиз И.А.Каримов асарларида, шунингдек, Х.А.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, О.Оқюлов, О.Каримова, С.С. Ғулямов, С.С. Хамроев, А.Х.Саидов, З.Исломов, А. Маматқулов, Ш.Шорахмедов, О.Хазратқулов, Начаева А.М, Пчелинцева Л.М, И.С.Претерский, М.М.Богуславский, Г.И. Тункин, Д.И.Фельдман, Ануфриева Л.П, Лунц Л.А, Марышева Н.И, Вольф М, Звеков В.П, Иссад М, Кох Х., Магнус У, Винклер фон Моренфельс П, Г.К.Дмитриевой, Микульшина А.И, Федосеева Г.Ю, Скаридов А.С, М.Г.Розенберг, С.Н.Лебедев, О.Н.Садиков, М.И.Брагинский, Англияда – Я.Броунли, В.Фридман, М.Вольф, К.Шмитдгофф. АҚШда – В.И.Леви, А.Левинфельд Францияда – П.Вейл, Ф.Фушер. Италияда – П.Пиконе, П.Рейтер, Германиялик П.Фишер ва бошқа шу каби юзлаб олимлар илмий изланишларида, халқаро шартномаларда, давлатларнинг миллий қонунларида ва бошқа юридик журналларда ёритилган.

Мустақил иши тузилиши

Мазкур мустақил иш кириш, 2 та боб, хулоса қисми ва фодаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Киришда, Мустақил иши мавзусининг долзарблиги, Мустақил иши мавзусининг илмий ўрганилганлик даражаси, танланган мавзунинг илмий, амалий аҳамияти ва унинг тузилиши қисқача баён қилинган.

I. Боб. « Унификация тушунчаси ва халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини унификациялаш. » деб номланади. Бу боб учта параграфдан иборат бўлиб:

1. « Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир » деб номланади ва бунда Ўзбекистонда иқтисодий ислохатларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишда халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини тутган ўрни ва аҳамиятига таъриф берилади.
2. « Унификация тушунчаси ва тарихий ривожланиши » деб номланади ва бунда Унификация тушунчаси ва тарихий ривожланиши мазмунига таъриф берилади.
3. « Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини унификациялаш » деб номланади ва бунда халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини унификациялаш ҳақида батафсил ёритиб беришга ҳаракат қилинади.

II. Боб. « Кодификация тушунчаси ва халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини кодификациялаш жараёни» деб номланади. Бу ушбу боб учта параграфдан иборат:

1. « Кодификация тушунчаси ва зарурий белгилари » деб номланади ва бу параграфда кодификация тушунчаси ва зарурий белгиларига таъриф бердим.

2. « Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини кодификациялаш: » деб номланади ва бу

а) Лотин Америкаси мамлакатлари ва Африка давлатлари мисолида.

б) АҚШ кодификацияси ва Англияда кодефикациялаштириш.

с) Франция, Италия, Олмония мамлакатлари мисолида.

д) Швейцария, Швеция ва Австрия давлатлари.

е) Марказий ва Ўрта Осиё давлатлари мисолида ёритишга ҳаракат қилинган.

3. « Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини систематизациялаштириш муаммолари » деб номланади ва бунда халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини систематизациялаштириш муаммолари ёритишга ҳаракат қилинган.

Хулоса қисмида мавзу юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларимни асослаб беришга ҳаракат қилдим.

І Боб. Унификация тушунчаси ва халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини унификациялаш.

1§ Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишда – халқаро хусусий ҳуқуқнинг ўрни ва аҳамияти.

Ўзбекистон мустақиллик қўлга киритилиши билан дарҳол республикада демократик ҳуқуқий давлат асослари вужудга келтирила бошлади. Бунинг учун олдинги тоталитар тузум иллатларини таг-томири билан қўпориб ташлашга кескин киришилди. Кўппартиявийлик, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллиги билан мурса қилиш ҳаётий воқеликка айланди. Бир мафкура ҳукмронлигига барҳам берилди. Умуминсоний қадриятлар, жаҳон тан олган чинакам демократия, инсон эркинликлари ва ҳуқуқлари нормаларини қарор топтириш вазифаси қўйилди. Республикада сўзда эмас - амалда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва судлов ҳокимиятларига бўлиниш тамойили амал қилмоқда. Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг чинакам манбаига айланди ва бу ҳокимиятни ҳам бевосита, ҳам ўз ваколатли вакиллари - депутатлар корпуси орқали амалга оширмоқда. Буларнинг ҳаммаси қонун чиқарувчилик ишини фаол йўлга қўйишни тақозо этди. Уни республика парламенти - Олий Мажлис муваффақиятли олиб бормоқда. Олий Мажлиснинг бутун салоҳияти бугунги кунда ёш мустақил давлатимизни ҳар томонлама ҳуқуқий таъминлашга йўналтирилган⁸.

Бу, ўз навбатида, жамиятимизнинг ўтган давр мобайнида демократик ўзгаришлар, ҳар қайси фуқаронинг танлаш эркинлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида том маънода қандай улкан қадамлар қўйганини яна бир бор тасдиқлади. 2009 йил декабр ойининг охирги якшанбасида Парламент ва маҳаллий халқ депутатларга кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Қонунчилик палатасига 30 фоизга яқин, маҳаллий кенгашларга эса тахминан 20 фоиздан кўпроқ депутатлар сайловларнинг такрорий босқичидан — иккинчи турдан ўтишга мажбур

⁸ Каримов И.А. Ватая саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон», 1996, 11-бет.

бўлганларининг ўзи — ушбу сайловларимиз нақадар демократик асосда бўлиб ўтганининг, ҳеч шубҳасиз, яққол исботи, десак, тўғри бўлади⁹.

Бўлиб ўтган сайловлар аҳолимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни кенг қўллаб-қувватлаётганини намойиш этди.

Энг муҳими, мазкур сайловлар давлатимиз ҳаётида юз бераётган барча туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёни орқага қайтариб бўлмайдиган қонуний тус олганини яна бир бор кўрсатди.

Энг муҳим хулоса шундан иборатки, бу сайловлар бугунги кунда ҳаётимизни демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган ўзгаришлар жараёнини, ҳақиқатан ҳам, ҳеч қандай куч орқага қайтара олмаслигининг амалий ифодаси бўлганини такрор ва такрор таъкидлашни жоиз деб биламиз. Барчамизга яхши маълумки, биз ўз вақтида шу борада муҳим қарорлар, хусусан, «Давлат бошқарувини янгिलाш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунни қабул қилган эдик¹⁰.

Шунингдек, сиёсий партияларнинг сайловларда қатнашиб, ўзининг нималарга қодир эканини исботлашга, амалда бу партияларни Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган чуқур ўзгаришларнинг ҳал қилувчи кучига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, жорий этилган. Бўлиб ўтган сайловлардан биз чиқаришимиз керак бўлган яна бир ўта муҳим хулоса шундан иборатки, бу сайловлар ўз вақтида қабул қилинган ана шу

⁹ **МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ - УСТУВОР МАҚСАДИМИЗДИР.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўйиша мажлисидаги маъруза, 2010 йил 27 январь

¹⁰ **АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ - ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР.**

2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январь.

қарорларнинг нақадар тўғри ва самарали эканини кўрсатди. Айнан ана шу хусусият — яъни, сиёсий партияларнинг ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқиши мазкур сайловларнинг моҳияти ва асосий маъно-мазмунини ташкил этди, десам, янглишмаган бўламиз.

Ўйлайманки, ўтган сайловларнинг айти шундай аломатлари мамлакатимиз парламент тизимининг самарадорлигини оширишга, албатта, сезиларли таъсир ўтказди. Шу фурсатдан фойдаланиб, ёруғ келажагимизни қуриш йўлида мамлакатимиз бу мураккаб сиёсий имтиҳондан муваффақиятли ўтгани учун барча фуқароларимизни яна бир бор табриклаб, бутун халқимизга чуқур миннатдорлигимни ва ҳурматимни билдиришни ўзимнинг бурчим, деб биламан¹¹.

Маълумки, биринчи бор 2004 йилда сайланган икки палатали парламентимизнинг фаолияти ҳаётимизнинг муҳим бир даврига — мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланаётган бир даврга тўғри келди.

Ўзбекистоннинг олдида турган ушбу устувор вазифаларнинг барчасини ҳал қилишда парламентнинг аввалги таркиби мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ишида катта аҳамиятга эга бўлган 250 дан зиёд қонунни қабул қилиб, муҳим ҳисса қўшди.

Бугун шу борада амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилар эканмиз, айтиш мумкинки, парламентнинг профессионал органи сифатида доимий фаолият олиб борадиган, қонунларни ишлаб чиқадиган ва қабул қиладиган қўйи палатаси ва ҳудудий вакиллик органи сифатида минтақаларимизнинг манфаатларини тўлиқ ақс эттирадиган юқори палата бўлмиш Сенатни

¹¹ **МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ - УСТУВОР МАҚСАДИМИЗДИР.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўйиша мажлисидаги маъруза, 2010 йил 27 январь

шакллантириш бўйича асосий вазифалар, умуман олганда, муваффақиятли ҳал қилинди¹².

Қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифати ва асосланиши тубдан яхшиланди. Умумдават ва минтақавий манфаатлар ўртасидаги мутаносиблик ва уйғунлик янада самарали таъминланмоқда.

Сиёсий партияларнинг мамлакатимиз олий қонунчилик органи, жойлардаги ҳокимият вакиллик органлари фаолиятидаги роли ва таъсири сезиларли даражада ошди.

Қонунчилик палатасида биринчи марта парламенгдаги кўпчилик — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси ва шунингдек, «Адолат» социал-демократик партияси фракцияларини бирлаштирган Демократик блок шаклланди. Айтиш керакки, Ўзбекистон халқ демократик партияси фракцияси тимсолида парламентдаги муҳолифат ташкил топди.

Олий Мажлисининг қонун ижодкорлиги фаолиятида мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, банк-молия тизимини ривожлантиришни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари алоҳида ўрин эгаллади.

Бу даврда хусусий мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш, мамлакатимизда ҳар томонлама бақувват мулк эгалари синфини шакллантириш, фермерлик ҳаракатини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янада либераллаштиришни таъминлаш, тадбиркорлик, аввало, кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини барпо этилиши кўзда тутилган қонун ҳужжатларининг бутун бир мажмуаси қабул қилинди.

¹² АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ - ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР.

2009 йилнинг асосий қарорлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январь.

Аҳоли даромадлари ва халқ фаровонлигини узлуксиз ошириб бориш, кенг миқёсидаги ижтимоий дастурларни муваффақиятли амалга ошириш масалалари парламентнинг эътибор марказида бўлди.

Иқтисодий ислохотларни қонуний жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган бундай ва бошқа бир қатор тадбирлар 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини имкон қадар камайтиришга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурини самарали амалга оширишни ҳуқуқий таъминлаш, дунёдаги санокли давлатлар қаторида Ўзбекистонга иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини саклаб қолиш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш имконини берди¹³.

Бу хулосаларни тасдиқлайдиган рақамлар ҳақида гапирадиган бўлсак, оғир келган 2009 йилда мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга ўсгани, саноат соҳаси 9 фоизга, иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 26 фоизга, шу жумладан, ташқи инвестициялар 68 фоизга ошгани, ташқи савдонинг ижобий саль-доси 2,3 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этгани, ўртача ойлик даражасининг ўсиши 40 фоизга, аҳоли даромадлари эса 26,5 фоизга кўпайганини таъкидлаш лозим. Мана шу мисолларнинг ўзиёқ биз эришган кўпгина ютуқларнинг яққол далили бўла олади¹⁴, деб фахрланиб айта оламиз.

Шуни таъкидлаш керакки, парламентимиз суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амаддаги мустақиллигини таъминлаш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ишларга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Ўтган беш йил мобайнида қабул қилинган 58 та қонунга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар янада чуқурлаштирилди.

¹³ Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009 йил.

¹⁴ МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ - УСТУВОР МАҚСАДИМИЗДИР.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўйиша мажлисидаги маъруза, 2010 йил 27 январь

Шу даврда жиноий жазо тизимини либераллаштириш, амалда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш жараёнларига катта эътибор берилди. Адвокатура институти ислоҳ этилди. Суд қарорларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди, бутун суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштиришга қаратилган бошқа бир қатор чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилди.

Мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида, шунингдек, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида 2007 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари бутун дунёда улкан қизиқиш ва эътибор уйғотди¹⁵. Мазкур чора-тадбирларнинг жорий этилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг инсонпарвар, либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди.

Демократик ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича ҳам кўп ишлар амалга оширилди.

Кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини ошириш, медиа маконга илғор ахборот коммуникация технологияларини бевосита жорий этишга қаратилган қарийб 10 та қонун ҳужжати қабул қилинди.

Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-

¹⁵ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ - ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР.

2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига башиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январ.

осойишта ҳаётни сақлаш каби бири-биридан масъулиятли ва кенг қўламли бир қатор вазифалар борки, юртимизнинг, жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги куни ана шу масалаларни қанчалик муваффақият билан ҳал этишимизга боғлиқдир. Давлатимизни модернизация қилиш ва иқтисодий интеграция жараёнида давлатлар билан байналминаллашувига бевосита ён қўшнимиз Афғонистон таъсири ҳақида гапириб ўтишни лозим топдик. Мана, ён қўшнимиз Афғонистонда 30 йилдан буён давом этаётган қуролли можаронинг ҳали-бери охири кўринмаяпти. Халқимизда «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган мақол бежиз айтилмаган. Қўшни мамлакат ҳудудида мана шундай кескинлик сақланиб турар экан, албатта, минтақамизда тинчлик-барқарорликка нисбатан таҳдид ҳам сақланиб қолаверади¹⁶.

Афғонистондаги мураккаб вазиятни ҳал этиш бўйича Ўзбекистон энг нуфузли халқаро минбарлардан муҳим амалий ташаббусларни доимий равишда баён қилиб келмоқца. Айниқса, НАТО/ СЕАП ташкилотининг 2008 йил апрель ойида бўлиб ўтган Бухарест саммитида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов томонидан афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслиги ҳақидаги фикр биринчи бўлиб ўртага қўйилган ва бу можарони сиёсий йўл билан ҳал этиш мақсадида «6+2» мулоқот гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклиф илгари сурилган эди. Бу гуруҳга Афғонистон билан қўшни бўлган давлатлар, АКШ ва Россия ҳамда НАТО ташкилотининг ваколатли вакиллари кириши назарда тутилади¹⁷. Ўзбекистоннинг бу таклифи дунё сиёсий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотгани ҳаммамизга яхши маълум, деб ўйлайман.

¹⁶ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ - ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР.

2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағшланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январь.

¹⁷ МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ - УСТУВОР МАҚСАДИМИЗДИР.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўйиша мажлисидаги маъруза, 2010 йил 27 январь.

Афғон можаросини ҳал қилиш учун 30 йил давомида миллиард-миллиард доллар маблағ сарфланди. Лекин аҳвол ижобий томонга ўзгариш ўрнига, аксинча, мамлакатдаги кескинлик кучайиб бормокда.

Аввало, маҳаллий халқ, қайси миллат ва элатга мансублигидан қатъи назар, бир-бири билан келишиши керак, бунинг учун уларга ёрдам, биринчи навбатда, иқтисодий ёрдам бериш лозим.

Шу кунларда Ўзбекистоннинг қурувчи ва мутахассислари томонидан «Термиз — Ҳайратон — Мозори Шариф» темир йўлини қуриш ишлари бошланмокда ва ишонаманки, у йил охирига қадар якунига етказилади¹⁸. Хулоса қилиб айтганда, парламентимизнинг бугунги кунда минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масаласида масъулияти катта. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Ўзбекистон нафақат ўз давлатининг барқарорлигини балки, иқтисодий интеграциялашув жараёнига барча мамлакатлар фаол иштирок этишини хохлаётганлиги нуфузли минбарлардан баралла айта олди.

Танлаган давлат ва жамият қурилиши моделини татбиқ этиш жараёнида фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга қўядиган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» дастурини амалга ошириш бўйича ишларни янада фаоллаштириш масаласини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига тобора қатъий қилиб қўймоқда. Бу амалда фуқаролик жамияти институтларининг бутун тизимини ривожлантиришни, унинг мамлакатни, маъмурий-ҳудудий тузилмаларни бошқариш жараёнига уйғун равишда интеграциялашувини англатади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн етти йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзга чиқаркан, Президентимиз қуйидагаларни қайд этди: “Бутун ўтган давр мобайнида босиб ўтган

¹⁸ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ - ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР.

2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январ.

йўлимизни танқидий баҳолар эканмиз, аввало Конституциямизнинг асосий принциплари ва қоидалари негизида қабул қилинган қонун ва дастурлар бўйича давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий қурилиш борасида босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга ошириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир.” дея яна бир –бор таъкидлаб ўтдилар.

Хулоса қилиб айтганда, мустақилликнинг дастлабки йиллари очик иқтисодиёт пойдеворини вужудга келтириш учун зарур сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий негизларни яратиш йиллари бўлди. Тоталитар тузум тугатилиши билан Иттифокнинг ташқи савдодаги давлат якка ҳокимлиги ва шу билан бирга ташқи алоқаларни тартибга солувчи нормалар, экспорт ва импортни бир марказдан шакллантирувчи умумиттифок тизими, валюта ресурсларининг умумиттифок даражасида қайта тақсимланиши тартиби барҳам топди. Умумиттифок ташқи савдо ва ташқи иқтисодий тузилмалари тарқалиб кетганлиги боис республикаларимизда бундай тузилмалар мавжуд эмас эди.

Жаҳон бозоридаги аҳвол ва унинг талаб-эҳтиёжлари соҳасидаги билимларимиз ҳам етарли даражада эмас эди. Қолаверса, ташқи савдо маҳоратини эгаллаб олган Мустақилли мутахассисларимиз мутлақо етишмасди. Шу ва бошқа сабаблар туфайли дастлабки пайтларда ташқи сиёсатни ўтказишда бир қатор қийинчиликларга дуч келинди. Мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти камайиб, валюта тушумлари қисқарди. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошига келиб Собиқ Иттифок республикалари ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига тартибсиз равишда чиқара бошлаганликлари сабабли пахта толаси, олтин, рангли металллар, нефть ва бошқа хом ашё ресурсларининг жаҳон савдо биржаларидаги нархи жуда пасайиб кетди.

Вужудга келган вазият ташқи иқтисодий комплексни бошқаришнинг ўзига хос тизимини зудлик билан шакллантиришни, ташқи алоқаларни йўлга қўйиш борасида мамлакатнинг миллий қонунчилигини такомиллаштиришни,

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш йўллари мустақил равишда белгилашни тақозо этди. Бу эса маъмурий чеклашларни кескин қисқартириш ва уларни умум қабул қилинган халқаро меъёрлар ва қоидалар, ташқи савдони бошқаришнинг бозор воситалари билан алмаштириб, ташқи иқтисодий фаолиятни аста-секин эркинлаштиришни ва Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишда халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини ўрни ва аҳамиятига эътибор беришни долзарб вазифа қилиб қўйди.

Мустақиллик йилларида оттирган бой тажриба Ўзбекистоннинг ўз ташқи сиёсатини тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик негизида қуришимизнинг бош омили бўлди. Мамлакатда яратилган ҳуқуқий тизим бизни энг аввало икки томонлама, ҳам кўп томонлама шартнома муносабатларида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш, халқаро иқтисодий иттифоқлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш қоидасига қатъий амал қилишимиз зарурлигини келтириб чиқарди. Шунингдек бу интеграциялашув жараёни ўз навбатида Ўзбекистонни суверен давлат сифатида очик иқтисодиётни вужудга келтириш соҳасида янада фаолроқ бўлишга ундади.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш халқаро хусусий ҳуқуқнинг ўрни ва аҳамиятига эътибор бериш натижасида, Мамлакатимизнинг жаҳон хўжалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимотида кенг миқёсда иштирок этиши очик турдаги иқтисодиётни барпо этишнинг асосий шартларидан бирига айланди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш тадбирларининг изчиллик билан амалга оширилишидан кўзда тутилган асосий мақсад бу иқтисодиётимизнинг келажакда жаҳон хўжалигига қўшилишидир.

2§ Унификация тушунчаси ва тарихий ривожланиши.

Халқаро хусусий ҳуқуқ халқаро ҳуқуқ тизимида ўқув дарслиги ва юридик фаннинг бир тармоғи сифатида тан олинган алоҳида соҳа ҳисобланади¹⁹. Ушбу соҳа халқаро ҳаёт шароитида юз берадиган хусусий, яъни фуқаролик ҳуқуқи ва фуқаролик процессуал ҳуқуқи билан тартибга солинадиган, шунингдек оилавий ва меҳнат муносабатларини ўз ичига олади. Ушбу муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишининг тартибга солиниши ҳамда низо чиққан тақдирда уларнинг ҳал қилиниши ўзига хос хусусиятларга эга.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида (ФКнинг 1158-моддаси) халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар "чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар" сифатида таърифланади. Лекин бу етарли эмас. Чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларнинг кенг тарқалган кўринишларда бўлиши, чет эл ҳуқуқи субъектларининг турли давлат фуқаролигига мансуб бўлиши, объектларининг турли давлатлар ҳудудида жойлашган бўлиши, ушбу муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши учун асос бўлган юридик фактларни муайян мамлакат ҳуқуқи орқали баҳолаш, низоларни муайян ҳудудда ва ўз вақтида олдини олиш, бартараф қилиш, ҳал этишни талаб қилади.

Халқаро ҳаётда бунга ўхшаш масалаларнинг турлари ҳар хил бўлиши мумкин, уларни бирон бир рўйхат билан чеклаб ҳам бўлмайди, шунинг учун улар муносабатларни турли шароитда, турли равишда мураккаблаштириб юборилиши учун сабаб бўлади²⁰. Хусусий-ҳуқуқий муносабатларнинг мураккаблашишида баъзи халқаро шартномалар алоҳида ўрин эгаллайди. Булар қаторига, масалан 1928 йилдаги Бустаманте Кодекси (халқаро хусусий

¹⁹ Ануфриева Л.П. Международное частное право: Учебник. Общая часть. Т.1. -М.: 2000. - 466 с.

²⁰ Ануфриева Л.П. Международное частное право: Учебник. Особенная часть. Т.2. -М.: 2000. - 389 с.

хуқуқ Кодекси), 1980 йилдаги Халқаро олди-сотди шартномалар тўғрисидаги БМТнинг Конвенцияси, 1988 йилдаги Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги Конвенция, Халқаро ҳаво йўллариға тегишли баъзи қоидаларни бирхиллаштириш тўғрисидаги 1929 йилдаги Варшава Конвенцияси ва бошқалар киради. Ушбу манбалар воситасида чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатлар, товарларни халқаро олди-сотди, халқаро молиявий лизинг, халқаро ҳаво йўлларида йўловчилар ва юкларни ташиш тўғрисидаги тушунчалар, уларни тартибга солиш тартиб ва қоидалари белгиланади²¹.

"Халқаро ҳуқуқ", "халқаро хусусий ҳуқуқ" тушунчалари турли маънога эга. "Халқаро ҳуқуқ" давлатлар, ҳокимият органлари ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, яъни оммавий-ҳуқуқий манфаатлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар мажмуидан иборат. "Халқаро хусусий ҳуқуқ" фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормалардан ташкил топган бўлиб, ушбу муносабатларнинг доираси, таркибий қисмлари бирон-бир мамлакат чегараси билан чекланиб қолмайди, халқаро ҳаёт кўламида табиий ҳодиса сифатида ривож топади.

Бозор иқтисодий муносабатларида халқаро хусусий алоқалари асосан жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга оширилиб, уларнинг фаолияти миллий ҳуқуқ билан тартибга солинади. Миллий ҳуқуқ нормалари эса ушбу соҳани турлича тартибга солади, бир давлатнинг хусусий қонуни, иккинчи давлатнинг хусусий қонунига мос келмайди, хатто баъзан зиддиятлар ҳам вужудга келиши мумкин. Давлатларнинг хусусий ҳуқуқий миллий асосда қабул қилинганлиги сабабли халқаро хусусий талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

«Ўзбекистон халқаро хусусий муносабатларини мустақил субъекти сифатида халқаро алоқаларини тобора кенгайтириб бормоқда. Давлатлараро ва ҳукуматлараро иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий –

²¹ Богуславский М.М. Международное частное право: Учебник. 6-е изд. -М.: 2004. - 412 с.

техникавий ҳамда юридик ва жисмоний шахслар амалга оширадиган ташқи иқтисодий (савдо) жараёни такомиллашиб бормокда, бу эса, халқаро хусусий ҳуқуқи, шу жумладан, халқаро савдо-сотик муносабатларидаги ҳуқуқий нормаларини чуқур ўрганишни талаб қилади.²²

Ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг асосий воситаси миллий хусусий ҳуқуқни унификация қилишдир. «**Унификация**» - деганда, халқаро хусусий алоқаларини тартибга солишдаги фарқларни олдини олишга қаратилган халқаро шартномалар ёрдамида бир хил нормаларни қабул қилиш тушунилади²³. Унификация - кўп босқичли жараёндир. Халқаро хусусий соҳасини тартибга солувчи нормаларни унификация қилиш, универсал даражада унификация қилиш билан шуғулланувчи халқаро давлатлараро ва ноҳукуматлараро ташкилотлар, халқаро хусусий ҳуқуқ бййича ГААГА Конвенцияси, хусусий ҳуқуқни унификация қилиш бўйича халқаро институт (УНИДРУА), Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТ комиссияси (ЮНСИТРАЛ), Халқаро савдо палатаси (МТП), (ВОИС), (Бутунжаҳон Мехнат Ташкилоти) фаолият кўрсатиб бормокда. У универсал ва локал миқёсда бўлиши мумкин ва умумий ҳамда махсус характердаги нормаларга тегишли бўлади. Унда давлатлар ва халқаро ташкилотлар ҳам иштирок этиши мумкин.

Хозирги кунда кўпгина халқаро ҳукуматлараро ва ноҳукуматлараро ташкилотлар унификация билан машғул. Улардан энг дастлабкиси халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага Конвенциясидир. XIX асрда вақтинча чақирила бошлаган ушбу конвенция 1955 йилга келиб доимий фаолият юритувчи ташкилотга айланди²⁴. Масалан, унинг фаолиятининг асосий соҳаси халқаро савдо соҳасидаги турли давлатларнинг ҳуқуқидаги коллизияларни ҳал қилувчи нормаларни ўз ичига олувчи коллизия ҳуқуқни унификация қилишдир. Шундай қилиб, 1955 йилда «Махсулотларнинг халқаро олди-сотдисига тадбиқ этиладиган ҳуқуқ тўғрисида» ги Гаага Конвенцияси қабул қилинган. Унинг ўрнига кейинчалик 1986 йилда қабул қилинган

²² Муаллифлар жамоаси. "Халқаро хусусий ҳуқуқ" Тошкент. ТДЮИ. 2008 йил. 15-бет

²³ Х.Рахмонкулов "Халқаро хусусий ҳуқуқ" Тошкент. ТДЮИ. 2002 йил. 54-бет.

²⁴ Иссад М. Международное частное право / Пер. с фр. -М.: 1989. - 332 с

махсулотларнинг халқаро олди-сотди шартномаларига қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги конвенция қабул қилинди. (ҳозиргача кучга кирмаган).

1926 йилдан бошлаб қароргоҳи Римда бўлган ҳукуматлараро ташкилот хусусий ҳуқуқни унификация қилиш бўйича халқаро институт фаолият кўрсатмоқда (УНИДРУА). Гаага Конвенциясидан фаркли ўлароқ ушбу институт хусусий ҳуқуқнинг турли соҳалари, шу жумладан савдога оид бўлган соҳаларни ҳам унификация қилишга қаратилган. УНИДРУА томонидан тайёрланган лойиҳалар асосида 1964 йилда иккита конвенция қабул қилинган. Булар: «Махсулотларнинг халқаро олди-сотдиси тўғрисидаги ягона қонун тўғрисида»ги конвенция ва «Махсулотларнинг халқаро савдоси тўғрисидаги шартномаларни тузиш бўйича ягона қонун тўғрисида»ги конвенциялардир.

Иштирокчилар сони кўп бўлмасада ушбу конвенцияларнинг иккаласи ҳам кучга кирган. 1983 йилда халқаро олди-сотдида вакиллик тўғрисидаги Женева Конвенцияси қабул қилиниб, 1988 йилда эса Оттавадаги конференцияда иккита конвенция маъқулланган, булар: халқаро молиявий лизинг бўйича ва халқаро факторинг бўйича конвенциялардир. Ушбу иккала конвенция ҳам ҳали кучга киргани йўқ. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, унификация қилинган конвенцияларнинг кучга кириши қийинроқ, чунки давлатлар ҳар доим ҳам уларнинг оқибатлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмайдилар. Шундай бўлишига қарамай бундай конвенцияларнинг қоидалари кучга кирмасдан туриб ҳам амалиётда қўлланила бошлайди ва бу билан норматив бўшлиқни тўлдиради.

Халқаро хусусий ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш заруриятининг ортиб бориши 1966 йилда Бош Ассамблеяни давлатлар щамкорлиги доирасида халқаро савдо ҳуқуқини унификация қилиш билан шуғулланувчи ташкилотни тузишга туртки бўлди. Бу - халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТ комиссияси (ЮНСИТРАЛ)дир.

Комиссиянинг вазифалари: халқаро савдо ҳуқуқини унификация қилиш, шунингдек, халқаро савдо одатларини кодификация қилишга

қўмаклашиш. Комиссия ишининг натижаси ҳақида қуйидаги фактлар бўйича гапириш мумкин. Унинг лойиҳалари асосида қуйидагилар қабул қилинган:

- маҳсулотлар халқаро олди-сотдисида даъво муддати тўғрисидаги Нью-Йорк Конвенцияси. 1977 йилда қабул қилинган ва 1988 йилда кучга кирган;
- юklarни денгиз орқали ташиш ҳақидаги 1978 йилги Гамбург Конвенцияси (1992 йилда кучга кирган);
- 1980 йилги маҳсулотларнинг халқаро олди-сотдиси шартномалари тўғрисидаги Вена Конвенцияси (1988 йилда кучга кирган);
- халқаро ўтказма векселлар ва халқаро оддий векселлар тўғрисидаги 1988 йилги Нью-Йорк Конвенцияси (хали кучга киргани йўқ).

Халқаро хусусий алоқаларини тартибга солувчи нормаларни шакллантиришда халқаро ноҳукуматлараро ташкилотларининг ўрни сезиларлидир.

Халқаро хусусий одатлари ва амалиётини умумлаштирар экан, БМТ, ШХТ, НАТО халқаро хусусийнинг турли соҳаларида қўлланиладиган одатлар тўпламини тайёрлайди ва чоп этади. Бундай тўпламлар юридик кучга эга эмас ва фақатгина контрактда тўғридан-тўғри назарда тутилган тақдирдагина қўлланилиши мумкин(ИНКОТЕРМС)²⁵.

Ўзбекистон Республикасида унификация қилиш муаммолари билан Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги (ТИАВ), Ташқи ишлар вазирлиги (ТИВ), Молия вазирлиги, давлат муассасалари, иқтисодиёт соҳасидаги идоралар, банклар (Марказий банк, Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки ва бошқалар) фаолият олиб бормоқда.

Бизнинг фикримизча, халқаро хусусий муносабатлари тўлақонли, янгича кўринишга эга бўлган тармоқ бўлганлиги боис, халқаро хусусий муносабатларини унификация қилишда юқоридаги халқаро конвенцияларга

²⁵ Ғуломов С. С. «Халқаро савдо ҳуқуқи» Тошкент. Тошкент Давлат Юридик институт. 2002 йил . 4- бет.

муурожаат этмоқ ва тубдан ўрганмоқ мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб, бизнинг таклифимиз:

- юқоридаги халқаро ҳамжамиятда қабул қилинган, лекин ҳозиргача кучга кирмаган конвенцияларни яна қайтадан кўриб чиқиб амалга киритиш ҳақида Республика Олий Мажлисига тавсия этишликни ва унификация бўйича халқаро хусусий ҳуқуқда қабул қилинган конвенцияларни Ўзбекистонда бир тўплам сифатида чиқарилиши айтилган пайтнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Келгуси муаммони баён қилишга ўтиш учун, авволombор, асосий тушунчаларни аниқлаш зарур. Унификациялаш асосини «ҳуқуқий тизим» атамаси ташкил этади. Шу муносабат билан, ҳуқуқий тизим тушунчаси остида нимани англаш зарурлиги тўғрисидаги масала вужудга келади. Ундан сўнг аниқланиши лозим бўлган масала бу бугунги кунда қандай асосий ҳуқуқий тизимлар мавжудлиги муаммосидир.

Юрист олимларнинг тадқиқотларида унификациялашнинг жуда хилма-хил таърифлари келтирилган. Турли мамлакатларда унификациялашни ўрганиш борасидаги турли хил ёндашувлар мавжуд: АҚШда прагматик, Францияда қиёсий-ҳуқуқий, Олмонда – фалсафий ёндашув²⁶.

Турли мамлакат олимларининг унификациялашнинг турли таърифларига қандай йўллар билан эришилгани хусусида ҳам тафовутлар бор.

Ҳозирги замон юридик адабиётида унификациялашнинг бир хил бўлмаган таърифлари берилади ва уларнинг ҳар бири ўзининг «рационал маъзи»ига эга. Бу, аввало, шу нарса билан изоҳланадики, унификациялаш – мураккаб ижтимоий воқелик, унинг кўп қирралигини фақат илмий атамалар мажмуаси ёрдамида аниқлаш мумкин. Қандайдир бир таъриф унинг барча хусусиятлари тавсифини ўзида тугал ифодалаши мумкин эмас.

²⁶ Кох Х., Магнус У., Винклер фон Моренфельс П. Международное частное право и сравнительное правоведение / Пер. с нем. -М.: 2001. - 343 с

Хусусан «унификациялаш» атамаси борасидаги қарашлардаги бирлик ҳам шунга мисол бўла олади²⁷.

Мантикий ва тарихий бирлик принципига мувофиқ унификациянинг умумий таърифи ҳуқуқнинг аниқ тарихи ва шакли хилма-хиллигини ифодалаши керак. Бизнинг фикримизча, унификацияни тушуниш учун «ҳуқуқий тушуниш», «ҳуқуқий ижодкорлик», «ҳуқуқни қўллаш» атамаларидан фойдаланиш зарур²⁸. Шунинг учун, ҳуқуқий унификацияни тадқиқ этиш биринчидан, қарашлар, ғоялар, тасаввурлар, назариялар мажмуасини, яъни муайян тарихий замондаги ҳуқуқий тушуниш ва тафаккурни; иккинчидан, норматив асослар, (ҳуқуқий манбалар) унинг тузилиши таҳлилини; учинчидан, ҳуқуқни қўллаш яъни амалга ошириш тизимини қамраб олиши керак. Унификация – ривожланувчи бирикма, у ўз ҳолича қотиб қолмайди, балки тарихий жараён давомида мунтазам ўзгаради ва такомиллашади. Бироқ унинг барча унсурлари ҳам бир хил суръатларда ривожланмайди²⁹. Унификациялашнинг тадқиқ этишда - халқаро хусусий ҳуқуқшунослик учун миллий ҳуқуқий тизим, ҳуқуқий тизимлар гуруҳи, ҳуқуқий тизимлар оиласи, ҳуқуқнинг тарихий типи, жаҳоннинг ҳуқуқий харитаси сингари асосий ва ўзаро боғланган тушунчаларнинг моҳиятини очиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

«Унификация» атамаси юридик фанда бир неча маъноларда қўлланилади. Авваломбор, маълум давлатнинг ҳуқуқи тушуниладиган ҳамда атамашуносликда «бирхиллаштириш» сифатида ифодаланадиган энг тор тушунчадир. Бунда «унификация» тушунчасини унинг тор маъносида «бирхиллаштириш» тушунчаси билан ифодаланмайди³⁰. Бу икки атама бир маъно англатмайди, улар синоним эмас. Унификация институциявий тушунча, у ҳуқуқ тармоқларининг объектив ва субъектив омиллар билан белгиланадиган ўзаро алоқаси, муносабати ва тузилишини очиб беради.

²⁷ Лунц Л.А. Курс международного частного права: В 3 т. -М.: Спарк, 2002. - 1007 с.

²⁸ Звеков В.П. Международное частное право. Учебник. -М.: Норма, 1999. - 253 с.

²⁹ Лунц Л.А. Курс международного частного права: В 3 т. -М.: Спарк, 2002. – 1007с

³⁰ Международное частное право: Учебник для вузов // Под ред. Марышевой Н.И. -М.: Юридическая фирма "КОНТРАКТ", "ИНФРА-М", 2000. - 532

3§. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини унификациялаш:

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг манбалари ичида бирхиллаштирилган (унифицированные) нормалар алоҳида ўрин эгаллайди. Бундай нормалар икки ёки ундан кўп давлатлар томонидан қилинган ва қабул қилинган моддий-ҳуқуқий ёки процессуал-ҳуқуқий характерга эга бўлган нормалардан иборат³¹.

Бирхиллаштирилган нормаларнинг табиати ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи олимларнинг таъкидлаб ўтишича, улар халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари бўлиб ҳисобланмайди, бирхиллаштирилган нормалар бор жойда коллизия, яъни халқаро хусусий ҳуқуқнинг алоҳида соҳа сифатида мавжуд бўлиши учун асос қолмайди³². Бошқа муаллифнинг фикрича, халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасини ҳар томонлама тўлиқ ўрганиш нуқтаи назаридан бирлаштирилган нормаларни алоҳида ҳуқуқ соҳаси эмас, балки халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига тааллуқли бўлган ўқув фани сифатида қабул қилиш керак.³³ Бизнинг фикримизча, бирхиллаштирилган нормалар ички давлат моддий ҳуқуқий нормаларидан фарқли ўлароқ, улар давлатлар -аро битимларнинг маҳсули ҳисобланади³⁴. Шундай экан бирхиллаштирилган нормалар ўзининг хусусияти билан миллий ҳуқуқнинг шартномавий манбаи ҳисобланади.

Бирхиллаштирилган нормалар мазмуни жиҳатдан коллизия нормалардан иборат бўлиши мумкин. Бунга халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасидаги кўпгина халқаро конвенцияларни мисол келтириш мумкин. Бирхиллаштирилган нормалар давлатлар томонидан қилинган ва қабул қилинган нормалар сифатида халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасининг таркибий қисмида алоҳида ўрин эгаллайди.

³¹ Микульшина А.И. Международное право. -М.: Международные отношения. 2001. - 377 с.

³² Грингольц И.А. "О задачах совершенствования правового механизма социалистической экономической интеграции стран членов СЭВ". Правоведе ние, 1999. №1. 19- бет.

³³ Международное частное право. Киев. 1985 й. 26-бет.

³⁴ Ҳамроев С.С. Халқаро хусусий ҳуқуқ. Ўқув-услубий қўлланма. -Т.: Адолат, 2000. - 84 б.

Давлат ҳокимият органларининг иродаси ўз ифодасини топган ҳуқуқий нормаларнинг шакллариغا, назарий жиҳатдан, ҳуқуқ манбаи дейилади. Амалда бундай шакллар қонун, фармон, қарор, низом ва бошқа турлардаги қонун ҳужжатларидан иборат.

Ҳуқуқнинг мазмуни муайян ҳуқуқ нормаларидан ташкил топади, унинг ташқи кўриниши эса тегишли шакллардан иборат. Ушбу шакллар манба сифатида у ёки бу ҳуқуқ соҳасининг таркибини, тузилишини белгилайди. Халқаро хусусий ҳуқуқ тузилиши жиҳатдан унинг таркибини белгиловчи манбалар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, халқаро шартномалар, қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси тан олган халқаро одатлар, удумлар ва бошқа ҳужжатлар халқаро хусусий ҳуқуқнинг манбалари ҳисобланади.

Демак халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари икки тарафлама, давлатнинг ички ва ташқи миқёслари бўйича аҳамиятга эга. Бундай бўлиш ушбу манбалар воситасида тартибга солинадиган муносабатларнинг хусусиятлари билан ифодаланади, масалан, халқаро миқёсда вужудга келадиган мулкӣ, оилавий, меҳнат муносабатларини тартибга солишга нисбатан ички давлат қонунлари (Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, Меҳнат кодекси) ва чет эл давлат қонунлари (халқаро шарт-номалар, конвенциялар ва ҳ.к.) тадбиқ қилинади. Ички ва ташқи давлат қонунларининг тадбиқ қилиниши албатта коллизия нормалар иштирокида, яъни уларни қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида баъзи давлатларда бўлганидек суд прецеденти (тажрибаси) ҳуқуқ манбаи сифатида тан олинмайди, яъни суд қарорлари масалани кўришда ҳуқуқ манбаи бўла олмайди. Лекин шу билан бирга жамиятни бошқаришда демократик шаклларнинг кенг қўламда тараққий этиши жараёнида қонунчиликни ривожлантириш соҳасида суд тажрибасига бўлган эътибор маълум даражада ошиб бормоқда.

Республика Олий Суди қарорларини ҳуқуқ манбаи сифатида тан олиниши ёки олинмаслиги ҳақида турли фикрлар мавжуд. Шўролар ҳокимияти даврида суд практикаси масалалари бўйича Олий Суд Пленуми қуйи суд поғоналарига раҳбарий тушунтиришлар (руководящее разъяснение) бериш ваколатига эга эди. Бундай раҳбарий тушунтириш мажбурий ҳисобланарди, судьялар қарорни нафақат қонун (кодекс)нинг тегишли моддалари, шунингдек бевосита раҳбарий тушунтиришларга асосан қабул қилардилар.

Шунинг учун ҳам юридик адабиётларда Олий суд Пленуми қарорларининг ҳуқуқий мақоми ҳақида қатъий бир фикрга келишилмаган эди. Кўпгина ҳолларда бундай қарорлар ҳуқуқ манбаи сифатида баҳоланарди. 1985 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳуқуқий ислохатларнинг амалга оширилиши туфайли Олий Суд Пленумининг ваколатларига ўзгартишлар киритилди, энди у суд практикаси масалалари бўйича раҳбарий тушунтириш эмас, фақат тушунтиришлар бериш ҳуқуқи билан чекланди. Бундай тушунтириш мажбурий эмас, унда суд практикасида қонунни тўғри қўллаш ҳақида гап юритилади. Кўп суд бўғинлари қарор ва ҳукмларни асосий манба - қонунга (кодексга) асосан қабул қилади, шунинг билан бирга муайян ишга нисбатан қонуннинг тегишли моддасини қўллашда Олий Суд Пленуми томонидан берилган тушунтиришга амал қилади. Демак Олий Суд Пленуми қарорлари ҳуқуқ манбаи бўлиб ҳисобланмайди. Шундай бўлсада адабиётларда ҳуқуқий нормани қўллаш бўйича Олий Суд томонидан берилган тушунтиришни манба сифатида тан олиниши зарурлиги ҳақида баҳслар йўқ эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 110-моддасининг 2-қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди "томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Республиканинг барча ҳудудида бажарилиши мажбурий". Бу ерда Олий суд қарорлари ва ҳужжатларининг бажарилиши учун қатъий талаб қўйилиши ҳақида қоида назарда тутилмоқда. Суд тажрибаси масалалари бўйича Олий Суд Пленуми томонидан ҳуқуқий

нормаларни қўллаш ҳақида тушунтиришлар бериш ваколати Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунида назарда тутилган.

Халқаро хусусий ҳуқуқ коллизия ҳуқуқ бўлишидан қатъи назар, ўзининг ички манбалари сифатида чет эл ҳуқуқи эмас, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий нормаларидан ташкил топади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси халқаро хусусий ҳуқуқи бошқа ички давлат ҳуқуқ соҳалари каби миллий, яъни Ўзбекистон давлатининг ҳуқуқи ҳисобланади. Коллизия нормага амал қилган ҳолда Ўзбекистон суди чет эл ҳуқуқини қўллаши мумкин, лекин бундай қўллаш Ўзбекистоннинг ички давлат ҳуқуқига асосан амалга оширилади.

Мавжуд чет эл элементи билан мураккаблашган муносабат моҳияти жиҳатдан коллизия нормага амал қилинган ҳолда фақат ички давлат ҳуқуқи эмас, балки чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллашни талаб қилади. Ўзбекистон суди томонидан чет эл ҳуқуқининг қўлла ниши муайян англашилмовчиликка сабаб бўлиши ҳам мумкин. Масалан, суд қарорни Ўзбекистон давлати номидан қабул қилар экан, шунинг билан у давлат, яъни халқ иродасини бажаради, чет эл ҳуқуқини қўллашда у кимнинг иродасини бажаради, деган савол туғилиши мумкин. Бунга жавоб шундан иборат: биринчидан, суд чет эл ҳуқуқи нормасини Ўзбекистон ички давлат қонунига асосан қўллайди, иккинчидан, қарорни Ўзбекистон давлати номидан қабул қилади ва шу йўл билан ўзга давлатни эмас, Ўзбекистон давлати иродасини бажаради.

Масалан, Англия фуқароси (ёки Англияда яшаган Ўзбекистон фуқароси) уйда ёзилган васиятнома (домашнее завещание) қолдиради. Васиятноманинг шаклини танлашда Англия қонунига амал қилади. Ушбу қонун бўйича, агар бундай васиятнома уни қолдирувчининг ўз қўли билан ёзилган бўлса ва икки гувоҳ томонидан тасдиқланган бўлса, бундай васиятнома ҳақиқий деб ҳисобланади. Ўзбекистон қонунидан фарqli ўлароқ бунда у нотариал тартибда ва бошқа шахслар томонидан тасдиқланиши шарт эмас. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1124 - моддасига мувофиқ васиятномалар ёзма шаклда тузилиб, нотариал тасдиқланиши ёки

1126-моддада назарда тутилган шахслар томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Васият бўйича очилган мерос мулки Англияда жойлашган бўлганлиги туфайли суд васиятноманинг шаклини танлашда Англия ҳуқуқи нормасини қўллайди. Чунки суд бундай ҳолатда коллизия нормага амал қилади. Демак пировард натижада Ўзбекистон суди чет эл ҳуқуқи эмас, Ўзбекистон ҳуқуқига итоат этади ва унинг номидан қарор қабул қилади. Л.А. Лунц шунга ўхшаш масалаларни таҳлил қилар экан, шундай деб таъкидлаб ўтади: ҳар бир давлатнинг халқаро хусусий ҳуқуқи мавжуд - совет халқаро хусусий ҳуқуқи, Франциянинг халқаро хусусий ҳуқуқи, Англиянинг халқаро хусусий ҳуқуқи ва ҳ.к.³⁵.

Бошқача фикр ҳам бор. Г.К. Тункиннинг таъкидлашича, халқаро хусусий ҳуқуқ — бу турли давлатлар миллий ҳуқуқ таркибига тааллуқли нормалар қисмларидан ташкил топган ҳуқуқ нормалари мажмуасидир.³⁶ Бизнинг фикримизча, халқаро хусусий ҳуқуқнинг ички манбалари бўлиб "турли давлатларнинг" нормалари эмас, балки муайян давлатнинг ҳуқуқ нормалари ҳисобланади.

Лекин ҳар томонлама мукамал таркиб топган халқаро хусусий ҳуқуқ амалда йўқ. Шундай экан турли давлатлар ўртасидаги алоқани, ҳамкорликни ва ўзаро муносабатларни боғлаб турувчи ва норма сифатида тан олинган умумий тамойиллар, ғоялар мужассам топган ҳуқуқ соҳаси ҳақида гап юрғизиш мумкин.

Халқаро хусусий ҳуқуқ манбаларига, яъни унинг ички (миллий) коллизия нормаларига бериладиган умумий тавсия юқорида берилган мулоҳазалардан иборат. Лекин ушбу ҳуқуқ соҳаси манбаи фақат юқорида кўрсатилган нормалар билан чекланмайди. Халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари шунингдек ўзида маълум даражада коллизия нормалар мужассам топган, чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик, меҳнат, оила

³⁵ Лунц Л.А. Международное частное право. Общая часть. М.: 1973, 45- бет

³⁶ Международное частное право. Учебник для вузов. М. 1982, 11-бет.

муносабатларини, процессуал ҳаракатларни тартибга солишга бағишланган халқаро шартномалар, битимлар, конвенциялар ва бошқа халқаро норматив-хуқуқий ҳужжатлардан иборат.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг турли бўлимларида, институтлари ёки алоҳида соҳаларида ички давлат ва шартномавий коллизия нормаларнинг ҳажми бир хилда эмас. Фуқаролар иштирокида вужудга келадиган фуқаролик-хуқуқий муносабатлар соҳасида (масалан, оила ва никоҳ, ашёвий - хуқуқий мерос ёки зарар етказилишидан келиб чиқадиган муносабатларда) кўпроқ ички коллизия нормалар қўлланилади, хўжалик-хуқуқий муносабатлар соҳасида (иқтисодий, савдо, фан-техника соҳаларида) аксинча, кўпроқ шартномавий коллизия нормалар учрайди.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг манбалари ичида бирхиллаштирилган (унифицированные) нормалар алоҳида ўрин эгаллайди. Бундай нормалар икки ёки ундан кўп давлатлар томонидан келишилган ва қабул қилинган моддий-хуқуқий ёки процессуал-хуқуқий характерга эга бўлган нормалардан иборат. Бирхиллаштирилган нормаларнинг табиати ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи олимларнинг таъкидлаб ўтишича, улар халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари бўлиб ҳисобланмайди, бирхиллаштирилган нормалар бор жойда коллизия, яъни халқаро хусусий ҳуқуқнинг алоҳида соҳа сифатида мавжуд бўлиши учун асос қолмайди.³⁷

Бошқа муаллифнинг фикрича, халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасини ҳар томонлама тўлиқ ўрганиш нуқтаи назаридан бирлаштирилган нормаларни алоҳида ҳуқуқ соҳаси эмас, балки халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига тааллуқли бўлган ўқув фани сифатида қабул қилиш керак.³⁸

¹ Бизнинг фикримизча, бирхиллаштирилган нормалар ички давлат моддий ҳуқуқий нормаларидан фарқли ўлароқ, улар давлатлар -аро битимларнинг маҳсули ҳисобланади. Шундай экан бирхиллаштирилган

³⁷ Грингольц И.А. "О задачах совершенствования правового механизма социалистической экономической интеграции стран членов СЭВ". Правоведение, 1999. №1. 19- бет.

³⁸ Международное частное право. Киев. 1985 й. 26-бет.

нормалар ўзининг хусусияти билан миллий ҳуқуқнинг шартномавий манбаи ҳисобланади. Бирхиллаштирилган нормалар мазмуни жиҳатдан коллизия нормалардан иборат бўлиши мумкин. Бунга халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасидаги кўпгина халқаро конвенцияларни мисол келтириш мумкин. Бирхиллаштирилган нормалар давлатлар томонидан қилинган ва қабул қилинган нормалар сифатида халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасининг таркибий қисмида алоҳида ўрин эгаллайди.

II Боб. Кодификация тушунчаси ва халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини кодификациялаш жараёни.

1§. Кодификация тушунчаси ва зарурий белгилари.

Халқаро хусусий ҳуқуқ — конвенциявий ва оддий, умумий ва индивидуал, универсал ва локал халқаро хусусий ҳуқуқий нормалар тизимидир.

Халқаро хусусий ҳуқуқ жуда мураккаб тизимга эга. Бирок халқаро хусусий ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ, билан киёслаганда нисбатан кучсиз тузилмага эга. Бу унинг нормаларини мунтазам равишда қандайдир ягона ёзма ҳужжат — кодекс ёки бир қатор узаро борлик лекин мустақил ҳужжат — кодекслар (фуқаролик, меҳнат, оила кодекслари ва шу сингарилар) далаатларнинг миллий хусусий ҳуқуқ кодекслари йуклигида кўринади³⁹.

Халқаро хусусий ҳуқуқни шундай ёритиш учун унинг нормаларини ёзма ҳужжатларда — шартномаларда, бошқача айтганда, оддий ҳуқуқий нормаларни ёзма равишда ёритиш ва уларни қандайдир бир ягона ҳужжатга ёки бир неча тегишли ҳужжатларга бирлаштиришни тақозо қилади. Бундай ишлар олиб борилмоқда, лекин бу борадаги ютуқлар тўғрисида гапиришга ҳали эрта.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини кодификациялаштириш инкорпорация ва кодификация тартибда амалга оширилиши мумкин.

Халқаро хусусий ҳуқуқни инкорпорация қилиш халқаро-ҳуқуқий нормаларни шундай қайта ишлашки, унда уларнинг моҳияти ўзгармаган ҳолда муайян тартибда жойлаштирилади. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг шундай бирлаштирилиши турли тўпламларда, халқаро муносабатларнинг айрим масалалари бўйича кўп томонлама битимларда — савдо, транспорт, алоқа ва бошқаларда амалга оширилади⁴⁰.

Халқаро ҳуқуқни кодификация қилиш халқаро-ҳуқуқий нормаларни халқаро ҳуқуқ; субъектлари томонидан системалаштиришни англатади. Кодификация қилиш фақат халқаро-ҳуқуқий нормаларни ягона тизимга

³⁹ Международное частное право: Краткий курс. // Под ред. Н.И.Марышевой. -М.: 2001. - 236 с.

⁴⁰ Арбитражное процессуальное право / Под ред. Д.А.Фурсова. -М.: Проспект, 2005. - 263 с

солишни эмас, балки уларни янада аник, ифодалашни ва халқаро одатларни шартнома шаклида акс эттиришни кузда тутати.

Расмий кодификация қилиш фақат халқаро шартномалар шаклида амалга оширилади. Бу маънода ҳозир фақат халқаро денгиз ҳуқуқи тулик, кодификация қилинган. Кодификация қилиш жараёнида БМТ алоҳида уринга эга ва бу борада унинг Халқаро ҳуқуқ Комиссияси катта иш олиб бормокда.

Халқаро ҳуқуқни кодификация қилиш халқаро ҳуқуқ, нормаларини кодификациялаш амалдаги нормаларнинг мазмунини мустахкамлаш ва аник, ифодалаш йули билан такомиллаштириш, эски нормаларни қайта қуриб чиқиш ва халқаро муносабатларнинг ривожланиши талабини ҳисобга олган ҳолда янгиларини ишлаб чиқиш ва ушбу нормаларни ягона ички мувофиқлаштирилган тартибда халқаро муносабатларнинг муайян соҳасини имкон қадар яхшироқ. тартибга солишга йуналтирилган халқаро хусусий ҳуқуқий ҳужжатларда мустахкамлашдан иборат.

Халқаро ҳуқуқни кодификациятириш аввалдан халқаро хусусий ҳуқуқий назариялар, доктриналар билан амалга оширилган. Аммо бундай системалаштириш, ҳатто, бир тарихий даврда ҳам ва муаллифларни айнан бир ҳуқуқий мактабга алоқадорлигидан қатъий назар, муқаррар равишда субъектив ва кўп вариантлидир⁴¹.

Хулоса қилиб айтганда, бир қанча давлатларда халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини алоҳида қонунларда мужассам топган. Шунинг билан бирга махсус халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларидан ташкил топган Кодексга эга бўлган давлатлар ҳам бор. Бундай кодекс Австрияда (1978 йил), Венгрияда (1979 йил), Польшада (1965 йил), Туркияда (1982 йил), Руминияда (1992 йил), ГФРда (1986 йил), Швейцарияда (1987 йил), Лихтенштейнда (1997 йил) қабул қилинган. 1995 йил сентябрда Италиянинг халқаро хусусий ҳуқуқ ислоҳоти тўғрисидаги Қонуни амалга киритилди. 1982 йил Югославияда қабул қилинган маълум ҳуқуқий муносабатларда қонун ва чет эл ҳуқуқи

⁴¹ Международное частное право: Учебник для вузов // Под ред. Марышевой Н.И. -М.: Юридическая фирма "КОНТРАКТ", "ИНФРА-М", 2000. - 532 с.

нормалари ўртасидаги коллизияларни ҳал қилиш тўғрисидаги Қонун ҳозирги кунда Сербияда, Словенияда, Хорватияда, Черногорияда ҳаракат қилмоқда, АҚШнинг Луизиана штатида 1991 й. қабул қилинган халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Қонуни мазкур штатнинг Фуқаролик кодекси таркибига киритилди. Канаданинг Квебек провинцияси Фуқаролик кодексининг ўнинчи китоби халқаро хусусий ҳуқуқ масалаларига бағишланади.

Россия, Украина, Белорусия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Испания, Португалия, Жазоир, Миср, Ироқ, Перу, Вьетнам, Мўғулистон ва бошқа катор давлатларнинг Фуқаролик кодексларида халқаро хусусий ҳуқуқнинг коллизия нормалари мужассам топган.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари махсус ушбу соҳага бағишланган Кодекс ёки Қонун, шунингдек Фуқаролик кодекслардан ташқари бошқа қонун ҳужжатларида ҳам мавжуд. Бундай қонун ҳужжатлари қаторига Хитойнинг 1986 йилдаги фуқаролик ҳуқуқининг Умумий қоидалари, 1985 йилдаги халқаро хўжалик ҳуқуқлари тўғрисидаги Қонуни киради. Қонун Хитой ва чет эл ташкилотлари ўртасида барча чет эл иқтисодий, олди-сотди муносабатлари бўйича тузиладиган шартномаларга нисбатан қўлланилади. Ушбу Қонунни чет эл элементлари билан мураккаблашган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга бевосита қўлланидиган меъёрлардан иборат деб айтиш мумкин. Қонуннинг кўп нормалари диспозитив характерга эга.

АҚШ ва Англияда халқаро хусусий ҳуқуқ кодификация қилинмаган. Англияда хусусий ҳуқуқ бўйича Дайси курси кенг доирада тан олинган, АҚШда Америка ҳуқуқ институти томонидан тайёрланган конфликтлар тўғрисидаги қонунлар Тўплами ҳаракат қилади. Унинг биринчи тўплами 1834 йилда, иккинчиси – 1971 йилда нашр этилган. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари АҚШнинг Бирхилдаги савдо кодексида ҳам мавжуд. Ушбу кодексда қонунни макон ва замон бўйича қўллаш ҳақида қоидалар мавжуд. Чет эл суверенига тааллуқли масалалар АҚШнинг 1976 йилдаги чет эл давлатларининг иммунитетини тўғрисидаги Қонуни билан ҳал қилинади.

Англияда коллизиян муаммоларга тегишли статус ҳуқуқининг қўлланиш доирасини кенгайтириш унинг маълум даражада Европа ҳамдўстлиги ва Гаага конвенцияларига аъзо бўлиши билан изоҳланади.

Чехияда 1963 йилда Чехо-Словакияда қабул қилинган халқаро хусусий ҳуқуқ ва процесс ҳуқуқи ҳақидаги Қонун ҳозир ҳам ҳаракатда. Францияда халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуннинг лойиҳаси 1959 йилда тайёрланган эди. 1969 йили унинг асосида янги лойиҳа тайёрланди. Лойиҳа суд амалиётида қўлланиб келинган тамойилларга асосланади ва шунинг билан бирга халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига тааллуқли бўлган нормаларни суд амалиётида шакллантириш учун ҳам кенг имконият беради.

Германия фуқаролик қонунлар тўпламини амалга киргазиш тўғрисидаги қонунида маълум даражада коллизиян нормалар мавжуд эди. Лекин ушбу нормалар, айниқса мажбурият ҳуқуқи соҳаси бўйича етарли даражада эмасди. 1986 йилнинг 1 сентябридан бошлаб халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида қонун амалга киритилди ва шу туфайли Германиянинг фуқаролик қонунлар тўпламини амалга киритиш тўғрисидаги Қонуннинг тегишли моддалари ўрнига бошқа меъёрлар ёки уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу Қонунда оила ҳуқуқи соҳасида судда қўрилиши учун тегишли бўлган тартибни белгиловчи нормалар ҳам назарда тутилган.

Шунингдек унга шартнома мажбуриятига нисбатан қўлланадиган ҳуқуқ тўғрисидаги 1980 йил Рим конвенциясида белгиланган тартиб киритилган. Натижада битимларнинг шакли, никоҳ тузиш ва уни бекор қилиш бўйича, болалар ҳуқуқи, ҳомийлик ва васийлик, мерос ҳуқуқи, мажбурият ва меҳнат ҳуқуқи ва процессуал масалалар бўйича қўлланиши керак бўлган коллизиян нормаларнинг тизими ўрнатилди.

Японияда ҳам коллизиян нормалар ўз ҳуқуқий асосларига эга. Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасидаги қоидалар 1989 йилда қабул қилинган ва 1990 йилнинг 1 январидан амалга киритилган қонунда назарда тутилди.

2§. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини кодификациялаш:

а) Лотин Америкаси мамлакатлари ва Африка давлатлари мисолида.

Лотин Америкаси мамлакатларида халқаро хусусий ҳуқуқни кодекслаштириш давлат мустақиллиги қўлга киритилгандан кейин бошланган ва катта ривожланиш босқичини босиб ўтган. Америка китъасидаги вазиятнинг кўплаб хусусиятлари унда ўз аксини топган. Бошқа мамлакатларда тўпланган тажриба ҳам тўлиқ ҳисобга олинган.

Чилининг 1855 йилги Фуқаролик кодекси Венесуэлалик ҳуқуқшунос Андрес Белло томонидан тайёрланган. У француз манбалари ва анъанавий Рим ҳуқуқи институтларини муваффақиятли равишда яқдил қилиб бирлаштирган. У, шунингдек испан ҳуқуқи категорияларидан фойдаланган. Жумладан «Етти китоб» қоидалари ва Савиньян ғояларидан фойдаланган. **Мазкур кодекснинг “Олтинчи китоби” халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларига бағишланган**⁴².

Чили фуқаролик кодекси тузилмаси Франция Фуқаролик кодекси тузилмасига нисбатан такомиллашган бўлиб, тили ҳам ифодали бўлган. Чили Фуқаролик кодекси ундан кейин пайдо бўлган Эквадор (1860 йил) ва Колумбия (1873 йил) фуқаролик кодексларидаги халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари китоби (қисми) кўплаб бошқа Марказий Америка давлатлари фуқаролик кодекслари (халқаро хусусий ҳуқуқи)га намуна бўлиб хизмат қилган. У, шунингдек Лотин Америкасининг давлатлари бўлмиш Венесуэла (1862 йил) ва Уругвай (1868 йил) фуқаролик кодексларига ҳам катта таъсир кўрсатган.

Аргентинанинг 1869 йилги Халқаро хусусий ҳуқуқ қонунини яратувчи Кордова шаҳри университети профессори Долмасио Велес Сарсфилд кодексни мана шу иккита ҳужжат асосида тузганлигини кўрсатади. Уругвайда ҳам шундай бўлган. Парагвай Аргентина моделини рецепция қилган, Колумбия ва Эквадор эса бир мунча замонавийлаштирган ҳолда

⁴² Международное частное право: Учебник. // Под ред. Г.К.Дмитриевой. -М.: 2000. - 476 с.

Чилининг Фуқаролик кодексини рецепция қилган. Фуқаролик ҳуқуқидан кейин ҳуқуқнинг бошқа асосий соҳаларини кодекслаштириш бошланган. Жумладан, халқаро савдо кодекслари қабул қилинган. Валес Сарсфильд 1859 йилда Аргентина Халқаро савдо кодекси қабул қилинишига кўмаклашган. У ўз ишида асосан Наполеон кодексига таянган⁴³. Бироқ у ягона манба бўлмаган. XX асрда француз ҳуқуқи таъсири, айниқса савдо ҳуқуқи соҳасида камайган. Масалан, Лотин Америкада қонун чиқарувчи орган бошқа манбаларга, айниқса итальян, немис ва Швейцария ҳуқуқига тез-тез мурожаат қила бошлаган, айрим ҳолларда эса, масалан, ишончли мулк институти ҳақида сўз борганда инглиз-америка ҳуқуқига мурожаат қила бошлаган.

Бразилиянинг дастлабки Халқаро хусусий ҳуқуқ китобига мукаммал тайёргарлик кўрилганидан сўнг 1916 йилда қабул қилинди. Айниқса Гексейра де Фрейтас ва Бевилакнинг лойиҳаларини қайд этиб ўтиш зарур. Унга Франция фуқаролик кодексидан ташқари Португалия ва Италия халқаро хусусий кодекслари, шунингдек Олмония Фуқаролик қонунлари мажмуи, Швейцария Фуқаролик кодекси намуна бўлган. Бразилия Халқаро хусусий ҳуқуқ китобининг тузилиши, айниқса унинг «Умумий қисми» Олмония таъсири катта бўлганлигидан далолат беради⁴⁴.

Жуғрофий жиҳатдан АҚШга яқин бўлган мамлакатлар ҳам Европа континентал ҳуқуқи моделларига интиланлиги характерлидир. Мисол тариқасида Мексикани кўрсатиш мумкин. Ушбу мамлакатда давлат мустақиллиги қўлга киритилгандан кейин шаклланган ҳуқуқий тизим роман-олмон ҳуқуқий оиласига хос бўлган ҳуқуқий ғоялар ва юридик техникани қабул қилган. Мексикада роман ананалари, шунингдек унинг дастлабки кодекслари ва XIX асрда қабул қилинган кўплаб қонунлари француз ва испан ҳуқуқи таъсирига учраганлигида ҳам намоён бўлган.

⁴³ Иссад М. Международное частное право / Пер. с фр. -М.: 1989г. 339 - 332 с.

⁴⁴ Микульшина А.И. Международное право. -М.: Международные отношения. 2005. - 377 с.

Бир қанча мамлакатларда XIX асрда қабул қилинган айрим кодекслар янгиларига алмаштирилган ёки жиддий равишда замонавийлаштирилган (1917 йилда конституция қабул қилингандан кейин Мексикада бўлгани сингари) бошқа мамлакатлардаги кодекслаштириш эса ўз кучида қолган.

Бундаги вазият Франция ва Олмониядагига ўхшашдир. Эски кодекслар нафақат қонунчилик кўринишидаги, балки қонунга тенглаштирилган катта миқдордаги меъёрий манбаларни ўз ичига олиши маълум бўлиб қолган.

Лотин Америкасида ҳавола этилган қонунчиликнинг, яъни ҳукумат ҳужжатларининг роли анча салмоқлидир. Бу биринчидан, президентлик бошқаруви, иккинчидан, ҳарбийларнинг узоқ вақт ҳукмронлик қилиши билан боғлиқдир⁴⁵.

Ҳуқуқ манбаи сифатида урф-одатнинг роли Лотин Америкаси ҳар хил мамлакатларида турличадир. Масалан, Аргентинада унинг таъсири кўпроқ, Уругвайда аксинча камроқдир. Бироқ умуман олганда урф-одат субсидиар (қўшимча) манбаидир. Европа қитъасида қонунда кўрсатилган ҳоллардагина ундан фойдаланилади.

Гарчи Лотин Америкаси мамлакатлари суд тизимининг тузилиши ва фаолият юргизишини АҚШдан ўзлаштириб олган бўлса ҳам кўпчилик Лотин Америкаси мамлакатларининг суд амалиёти АҚШдан фарқ қилган ҳолда ҳуқуқ манбаи сифатида қаралмаслигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Америка қитъаси мамлакатлари 1975 йилдан бошлаб ҳар уч йилда халқаро хусусий ҳуқуққа бағишланган конференциялар ўтказиб туради.

1975 йилда Панамада биринчи конференцияда олтита конвенция, 1979 йилда Монтевидеода иккинчи конференцияда халқаро хусусий ҳуқуқнинг турли масалалари бўйича еттита конвенция қабул қилинди. 1984 йили Ла-Паседаги конференцияда қуйидаги тўртта конвенция қабул қилинди: халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати; вояга етмаганларни фарзандликка олиш бўйича коллизия нормалар; чет эл суд қарорларининг юридик аҳамияти ва уларнинг қўлланиш доираси; чет элда

⁴⁵ Скаримов А.С. Международное частное право. С.-П.: Изд-во Михайлова В.А. 1998. - 452 с.

исботловчи далиллар тўплаш тўғрисида Америка давлатлари ўртасидаги конвенцияга киритилган қўшимча протокол. 1989 йилда Монтевидеодаги конференцияда қуйидаги учта: шахсларни моддий таъминлаш мажбурияти тўғрисида; вояга етмаганларни бошқа мамлакатлардан қайтариб олиш тўғрисида; юкларни автотранспортда халқаро ташиш тўғрисида конвенциялар қабул қилинди⁴⁶.

Ҳозирги вақтга келиб, барча Африка қабилалари умумий ҳуқуқини бирхиллаштириш ишлари амалда тугалланди. Бошқа мамлакатларда ягона кодекслаштириш, қонунчилик ва одат нормаларини ислоҳ қилиш амалга оширилди. Уларни ҳуқуқнинг айрим соҳаларига, масалан жиноят ҳуқуқига нисбатан қўллашга муваффақ бўлинди.

Мустамлакачилик замонидаги Британия мустамлакаларида (Сьерра-Леонедан ташқари) Англия умумий ҳуқуқига асосланган Фуқаролик (халқаро хусусий ҳуқуқий) кодекси амал қилди. Шу билан бирга маҳаллий судлар шаклланган урф-одатларга амал қилган ҳолда фуқаролик ишларини кўрар эдилар. Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин айрим мамлакатлар урф-одатга асосланган таркибларни фуқаролик кодексига киритишди. Кўпчилик мамлакатлар урф-одатга асосланган фуқаролик ҳуқуқини бекор қилиб, янада соддалаштириш йўлидан боришди ва фуқаролик кодексини эълон қилишди. Шундай қилиб, фуқароликда одат ҳуқуқи бу ерда ўз амал қилишини тўхтатгандек бўлди.

Никоҳ-оила ва мерос ҳуқуқи соҳасида ислохотлар ўтказиш анча мураккаб бўлди. Гарчи уринишлар бўлса ҳам ушбу соҳаларда қонунчилик ва одат ҳуқуқи дуализми енгиб ўтилмади⁴⁷.

1962 йилда чет эл лементи билан мураккаблашган Ганада никоҳ, ажралиш ва мерос тўғрисидаги қонун лойиҳаси эълон қилинди. Бироқ

⁴⁶ Муаллифлар жамоаси. "Халқаро хусусий ҳуқуқ". Дарслик. ТДЮИ. Тошкент. 15-бет.

⁴⁷ Шак Х. Международное гражданское процессуальное право: Учебник /Пер. с нем. -М.: 2001. - 78 с.

ушбу қонун лойиҳаси тақдири муваффақиятсиз кечди. Уч марта уни ҳаётга татбиқ, этиш бефойда бўлди⁴⁸.

1962 йилда Либревилда саноат мулки бўйича Африка-Малагасий бошқармаси ташкил қилиш бўйича битим имзоланди. Битимда ихтироларни, товар белгиларини ва саноат намуналарини рўйхатдан ўтказиш учун ягона нормаларни жорий қилиш назарда тутилди. Ушбу келишув қайтадан кўриб чиқилди ва унга 1977 йил қўшимчалар киритилди. Шунга ўхшаш битимлар 1978 йили бошқа Африка давлатлари ўртасида ҳам тузилди. Ҳуқуқий ёрдам ва исботловчи далиллар бўйича иккитомонлама битимлар тузиш учун Афро-Осиё ҳуқуқий маслаҳат қўмитаси битимнинг Намунавий нусхасини қабул қилди⁴⁹.

Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасидаги минтақавий аҳамиятга эга бўлган конвенциялар ичида Бустаманте кодекси алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу кодекс уни тузган таниқли Куба юристи исми билан аталади. 437 моддадан иборат бўлган ушбу кодекс халқаро хусусий ҳуқуқ масалалари бўйича ҳар томонлама мукаммал ишланган халқаро шартнома ҳисобланади. Кодекс 1928 йилда VI Панамерика конференциясида қабул қилинди, 15 та Марказий ва Жанубий Америка мамлакатлари томонидан ратификация қилинди⁵⁰.

б) АҚШ кодификацияси ва Англияда кодефикациялаштириш.

АҚШ ва Англияда халқаро хусусий ҳуқуқ кодификация қилинмаган. Англияда хусусий ҳуқуқ бўйича Дайси курси кенг доирада тан олинган, АҚШда Америка ҳуқуқ институти томонидан тайёрланган конфликтлар тўғрисидаги қонунлар Тўплами ҳаракат қилади⁵¹. Унинг биринчи тўплами 1834 йилда, иккинчиси – 1971 йилда нашр этилган. Халқаро хусусий ҳуқуқ

⁴⁸ Вельяминов Г.М. Международное экономическое право и процесс. Академический курс. -М.: Волтерс Клувер, 2005. - 544 с

⁴⁹ Хал=аро хусусий шу=у= Х.А.Раҳмонкулов ва бош=. -Т.: И=тисод ва шу=у= дунёси, 2002. - 448 б.

⁵⁰ Хал=аро хусусий шу=у= Х.А.Раҳмонкулов ва бош=. -Т.: И=тисод ва шу=у= дунёси, 2002. – 449-451 б.

⁵¹ Хал=аро хусусий шу=у= Х.А.Раҳмонкулов ва бош=. -Т.: И=тисод ва шу=у= дунёси, 2002. –32 б.

нормалари АҚШнинг Бирхилдаги савдо кодексида ҳам мавжуд. Ушбу кодексида қонунни макон ва замон бўйича қўллаш ҳақида қоидалар мавжуд. Чет эл суверенига тааллуқли масалалар АҚШнинг 1976 йилдаги чет эл давлатларининг иммунитетини тўғрисидаги Қонуни билан ҳал қилинади.

Англияда коллизия муаммоларга тегишли статус ҳуқуқининг қўлланиш доирасини кенгайтириш унинг маълум даражада Европа ҳамдўстлиги ва Гаага конвенцияларига аъзо бўлиши билан изоҳланади.

АҚШнинг Луизиана штатида 1991 й. қабул қилинган халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Қонуни мазкур штатнинг Фуқаролик кодекси таркибига киритилди. Канаданинг Квебек провинцияси Фуқаролик кодексининг ўнинчи китоби халқаро хусусий ҳуқуқ масалаларига бағишланади⁵².

Ундан ташқари, юқорида айтиб ўтилганлар билан биргаликда, АҚШ кодексида, Америка ҳуқуқида АҚШ ҳуқуқий тизимини таҳлил қилишда тушунтиришни талаб қиладиган яна бир қанча атамалар ва тушунчалар мавжуд. Уларга фуқаролик ҳуқуқи (Civil Law), оммавий ҳуқуқ (Public Law), хусусий ҳуқуқ (Private Law), жонли ҳуқуқ (Living Law) тегишлидир.

«Фуқаролик ҳуқуқи» (Civil Law) тушунчаси АҚШда унинг қисмларини белгилаш учун фойдаланилади; ушбу тушунча билан жиноят ҳуқуқига зид равишда ҳуқуқий нормаларнинг жами қамраб олинади (Criminal Law), яъни «civil» атамаси «criminal» атамасига зиддир ва ўз келиб чиқишига кўра фуқаролик кодекси билан боғланмаган. Америка фуқаролик ҳуқуқи хусусий шахслар ҳуқуқларини белгилаш, ўзгартириш ёки қондиришни тартибга солиш ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олади.

АҚШнинг юридик адабиётида «хусусий ҳуқуқ» ва «оммавий ҳуқуқ» атамалари кўп учрайди. Ушбу категориялар анъанавий эмас ва роман-олмон ҳуқуқий тизими атамаларидан ўзлаштириб олинмаган. Бу фақат шаклга нисбатан эмас, балки мазмунга ҳам тегишлидир. Жумладан,

⁵² Халқаро хусусий ҳуқуқ – Х.А.Рахмонкулов ва бошқ. –Т.: Итисод ва ҳуқуқ дунёси, 2002. –32-34 б.

Америка ҳуқуқида «хусусий ҳуқуқ» тушунчаси олтида институтни қамраб олади: контрактлар (Contracts), ҳуқуқни бузишдан келиб чиқувчи мажбуриятлар (Torts), мулк (Property), оила ҳуқуқи (Family Law), савдо ҳуқуқи (Commercial Law) ва бизнес корхоналари.

Хусусий ҳуқуққа зид равишда оммавий ҳуқуқ конституциявий ҳуқуқни (Constitutional Law), маъмурий ҳуқуқни (Administrative Law), меҳнат муносабатларини тартибга солишни (Trade Regulation), меҳнат ҳуқуқини (Labor Law), жиноят ҳуқуқини (Criminal Law) бирлаштиради.

Америка ҳуқуқининг айрим назариётчилари «жонли ҳуқуқ» (Living Law) тушунчасини ишлатишади. Ушбу тушунча остида шунчаки мавжуд бўлган ҳуқуқий нормалар эмас, балки ҳозир амал қилувчи ҳуқуқий нормалар мажмуаси тушунилади. Масалан, Л.Фридмэн уни қуйидагича тарзда белгилайди: «жонли ҳуқуқ - бу ҳуқуқий тизимда яшайдиган ҳуқуқдир».

Америка ҳуқуқшунослик адабиётида ҳуқуқ тизими тушунчасини аниқлашда ягона фикр йўқ. Таърифлар кўплигига қарамай, уларни алоҳида, бир-бирига боғлиқ бўлмаган гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Агар баъзи ҳуқуқшунос олимлар амалда ҳуқуқий тизим тушунчасини ҳуқуқ билан тенглаштирсалар, бошқалари ушбу тушунчани анча кенг талқин қиладилар.

Айрим мисолларни келтирамиз. Мартин П.Голдинг агар қуйидаги шартларга риоя қилинса жамиятда ҳуқуқий тизим мавжуд бўлади деган фикрни билдиради:

биринчидан, жамиятда қонунлар мавжуд бўлади;

иккинчидан, жамиятда қонунларни яратадиган ва ўзгартирадиган муассасалар мавжуд бўлади;

учинчидан, жамиятда қонунлар тузилишини аниқлайдиган муассасалар мавжуддир;

тўртинчидан, жамиятда қонунлар қўлланилишини таъминловчи ва индивидлар ўртасидаги низоларни ҳал этувчи муассасалар мавжуддир.

Муаллиф ҳуқуқий тизим тушунчаси билан амалда ҳуқуқни, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқ қўлланилишини қамраб олади. Ушбу тизимнинг охириги туркуми ўз тузилмасига эга. умумий ҳуқуқ ҳуқуқий оиласи мамлакатлари учун кодекслаштириш хос эмас. Ҳатто кодекслар бўлган тақдирда ҳам, улар роман-олмон ҳуқуқий оиласи мамлакатлари кодексларидан бошқача хусусиятга эгалар. Масалан, АҚШнинг кўпчилик штатларида фуқаролик ва фуқаролик-процессуал кодекслари мавжуд, бироқ улар ўзида ҳуқуқнинг жамланиши натижасини ифодалайди. Бу уларни Европа кодексларидан ажратиб туради.

Англия умумий ҳуқуқи роман-олмон ҳуқуқидан фарқ қилган ҳолда университетларда, ҳуқуқшунос олимлар томонидан доктринал тарзда эмас, балки ҳуқуқшунос амалиётчилар томонидан ривожлантирилган⁵³. Ҳуқуқий кўламнинг бирмунча стихиялиги, тузилишида рационал асослар ва қатъий мантиқнинг йўқлиги мана шу кўринишлар билан боғлиқдир. Умумий ҳуқуқ оиласи мамлакатлари фуқаролик ҳуқуқига бош асос бўлган Рим ҳуқуқини умуман қабул қилишмаган. Шундай экан, умумий ҳуқуқ оиласи мамлакатларида ҳуқуқни оммавий ва хусусий ҳуқуқларга бўлиш мавжуд эмас. Бироқ, тарихан шаклланган умумий ҳуқуқ ва адолат ҳуқуқи мавжудки, бу ҳолат судларда ишларни кўриб чиқишда ўз аксини топган.

Англия ҳуқуқи учун гарчи классик ҳуқуқ соҳалари барқарор ривожланган бўлса ҳам, қатъий соҳавий таснифлаш хос эмас. Анча салмоқли ҳуқуқий институтлар, аксинча, инглиз-америка умумий ҳуқуқи учун юридик жараённинг ривожланганлиги билан характерлидир, ҳуқуқнинг моддий соҳалари унинг асосида ривожланади. Бу умумий ҳуқуқнинг роман-олмон ҳуқуқий оиласидан фарқланишининг бир туридир.

⁵³ Звеков В.П. Международное частное право. Учебник. -М.: Норма, 1999. - 259 с.

Низоларни кўриб чиқиш тартиби судьялар учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

с) Франция, Италия, Олмония мамлакатлари мисолида.

Францияда халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуннинг лойиҳаси 1959 йилда тайёрланган эди. 1969 йили унинг асосида янги лойиҳа тайёрланди. Лойиҳа суд амалиётида қўлланиб келинган тамойилларга асосланади ва шунинг билан бирга халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига тааллуқли бўлган нормаларни суд амалиётида шакллантириш учун ҳам кенг имконият беради.

Роман-олмон ҳуқуқий оиласининг энг характерли умумий белгиларидан бири ҳуқуқнинг кодекс тусига эга эканлиги, кодексларнинг ўзи эса ҳуқуқ манбалари орасида алоҳида ўринни эгаллашидан келиб чиқиб, ушбу ўзига хос хусусиятларни кодекслар мисолида, аниқроғи фуқаролик кодекси охириги бўлими (халқаро хусусий ҳуқуқ) мисолида кўриб чиқамиз. Роман-олмон ҳуқуқий оиласи ичида француз ҳуқуқи кучли акс эттирилган рим (роман) ҳуқуқи Олмония ҳуқуқий гуруҳидан ажралиб туради.

Кодекс тузиш ҳуқуққа аниқлик бахш этган, унинг амалда қўлланилишини анча енгиллаштирган, Европада шаклланган ҳуқуқий норма ва умуман ҳуқуқни тушунишнинг мантиқий тугалланиши бўлган. Кодекс тузиш яхлит ҳодиса сифатида роман-олмон ҳуқуқий оиласи шаклланишини якунлаган. Француз кодексларининг аҳамияти айниқса салмоқли бўлган. **1804 йилги Наполеон кодекси** номи билан машҳур бўлган фуқаролик кодекси (Code Civil) Европа қитъасининг кўпчилиқ давлатларида ва ундан ташқарида роман-олмон ҳуқуқи тизимида халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларни расмийлаштиришни қарор топишига катта таъсир кўрсатган⁵⁴. Рим ҳуқуқининг Олмонияда рецепция қилиниши 1900 йилги Олмония фуқаролик мажмуи (Bürgerliches Gesetzbuch)дек

⁵⁴ Иссад М. Международное частное право / Пер. с фр. -М.: 1989. – 365-370 с.

йирик қонунчилик ёдгорлигида ўз аксини топган. Унинг асосини Рим ҳуқуқи ютуқларини ўзлаштириб олган немис ҳуқуқи ташкил этган. Рим ҳуқуқи Олмония фуқаролик ҳуқуқига ҳам таъсир кўрсатган.

Француз ҳуқуқи. Франция ҳуқуқ ривожланишининг сермазмун йўлини босиб ўтган. Унинг ҳозирги замон ҳуқуқ манбалари асосида юқорида батафсил сўз юритилган Наполеон замони кодекслари ётади. Кўплаб тузатишлар киритилганлигига қарамай, ушбу кодекслар эскирганлиги эътироф этилган. Мамлакат ўз ҳуқуқий ривожланишининг замонавий босқичига (уни XX асрнинг ўртасидан бошланди дейиш мумкин) анъанавий кодекслаштириш ташқарисида ётувчи кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар билан кирди.

Франция халқаро хусусий ҳуқуқий ҳужжатларини тартибга солишнинг асосий йўналиши ҳам қонунга тенглаштирилган ҳужжатлари, ҳам қонун ҳужжатларини ўз ичига олувчи тармоқ тўпламлари кодексларини ишлаб чиқиш бўлди. Уларнинг айримлари ҳуқуқнинг икки ёки бир нечта соҳаларига тегишли бўлган, бироқ саноат, хўжалик ёки маданиятнинг аниқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи комплекс чора-тадбирларни қамраб олади.

XX-асрнинг 50-йилларидан бошлаб шунга ўхшаш ўнлаб кодекслар қабул қилинди. Улар ўз ҳуқуқий табиатига кўра амалдаги ҳуқуқни жамлаштирувчи ҳужжатлар ҳисобланади. Француз юрист-ҳуқуқшунослари ушбу кодексларни Наполеон кодекслаштиришидан фарқловчи икки жиҳатини қайд этишади. Биринчидан, ушбу кодекслар ҳуқуқнинг у ёки бу соҳаси нормалари жамини «қайта англаш» мақсадини кўзламайди, балки қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва иш тартиб (регламент)ларини мантиқан қайта гуруҳлаштиришга қаратилгандир⁵⁵.

⁵⁵Иссад М. Международное частное право / Пер. с фр. -М.: 1989. – 369-377 с.

Францияда бундай янгича кодекслаштириш шакли анъанавий тушунишда қонун ва кодексларнинг устунлиги принципини сусайтирди. Қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият ўртасида ваколатларни «классик» тақсимлашни ўзгартириб юборган 1958 йилги Конституция қонунга берилган яна бир зарба бўлди. Конституция парламент ваколатига кирувчи масалалар доирасини санаб ўтади, айтилиши вақтда унинг қонун чиқарувчи фаолиятини чеклади. Ва аксинча, Ҳукуматнинг ваколатлари жиддий равишда кенгайди, ҳуқуқ манбалари тизимида унинг ҳужжатлари салмоғи ва аҳамияти мунтазам равишда ўсиб борди.

Давлатнинг асосий қонунида тартибга солувчи ҳужжатлар тизими (XXX кодекси) белгиланмаган, бироқ амалиётда ижроия ҳокимиятнинг тегишли ички иерархиясига мос келувчи қуйидаги ҳужжатлари мавжуд: ордонанслар, декретлар, қарорлар, кўрсатмалар, йўриқномалар, билдиришномалар. Ордонансларнинг аҳамияти муҳимдир, улар мисолида қонун билан тартибга солинувчи ҳужжатларнинг ҳуқуқий кучи ўртасидаги тафовут йўқолиб бориши тенденцияси аниқсиз ёрқин намоён бўлади.

Ҳуқуқнинг умумий принциплари ҳам француз ҳуқуқий тизимида ҳуқуқнинг мустақил манбаи сифатида эътироф этилади. Умумий принципларнинг роли қонунчилик тузилмасида жиддий нуқсонлар мавжуд бўлган тақдирда аниқсиз муҳимдир. Бу маъмурий ҳуқуқ соҳасида аниқсиз очик кўринади. Маъмурий судлар ва Давлат кенгаши маъмурий қонунчилик кодекслаштирилмаганлиги сабабли, ҳуқуқнинг умумий принципларига кўпроқ ҳавола қилади.

1942 йилда Италияда Фуқаролик кодекси қабул қилинган. Италия Фуқаролик кодекси ўз эътибори билан роман-олмон ҳуқуқий оиласидаги энг охириги фуқаролик кодексларидан биридир. Италия Халқаро хусусий Кодексга эга бўлган давлатлардан биридир. Бундай кодекс Австрияда (1978 йил), Венгрияда (1979 йил), Польшада (1965 йил), Туркияда (1982 йил), Руминияда (1992 йил), ГФРда (1986 йил), Швейцарияда (1987 йил),

Лихтенштейнда (1997 йил) қабул қилинган. 1995 йил сентябрда Италиянинг халқаро хусусий ҳуқуқ ислоҳоти тўғрисидаги Қонуни амалга киритилди⁵⁶.

1995 йил сентябрда Италиянинг халқаро хусусий ҳуқуқ ислоҳоти тўғрисидаги Қонунидан ташқари чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларни тартибга солишда Италия Фуқаролик кодекси анча таъсирли кучга эга. Ушбу кодекс олтита китобга бўлинган:

I. Шахслар ва оила тўғрисида.

II. Мерос тўғрисида.

III. Ашёвий ҳуқуқ.

IV. Мажбурият ҳуқуқи.

Бешинчи китоб «Меҳнат» деб номланган. Агар бошқа кодексларда меҳнат муносабатлари қараб чиқилган тақдирда ҳам, бу фақат ёллашнинг умумий муносабатларига тегишлидир. Италия кодекси эса касбий фаолиятни ва меҳнат шартномаларининг ҳар хил шакллари тартибга солади, айтилиши вақтда ширкат ҳуқуқи деб аташ қабул қилинган, савдо ҳуқуқидан кўра меҳнат ҳуқуқига тегишли деб ҳисобланадиган қоидаларнинг ушбу китобга киритилиши унчалик мантиқли эмас. Кодекснинг олтинчи китоби ҳуқуқларни муҳофаза қилишга, шу жумладан ерни рўйхатдан ўтказишга ва бошқа мулквий битишувлар, гаров, даъво муддатига тегишли қоидаларга бағишланган.

Халқаро Савдо кодекслари. Фуқаролик ва савдо ҳуқуқи нисбати ва тегишлича фуқаролик ва савдо кодекслари нисбати миллий ҳуқуқий тизимлар томонидан турлича ҳал этилади.

Кўпгина роман-олмон ҳуқуқий оиласи киручи мамлакатларда алоҳида халқаро савдо кодекси мавжуд. Булар Франция (1807 йил), Бельгия (1807

⁵⁶ Халқаро хусусий ҳуқуқ Х.А.Рахмонкулов ва бошқ. -Т.: Итисод ва ҳуқуқ дунёси, 2002. – 29-31 б.

йил), Люксембург (1807 йил), Испания (1829 йил, 1885 йилда қайта ишланган), Португалия (1833 йил, 1888 йилда қайта ишланган), Голландия (1838 йил), Австрия (1862 йил), Лихтенштейн (1865 йил), Олмония (1897 йил), Туркия (1956 йил) мамлакатларидир⁵⁷.

Фуқаролик кодекслари. Яқиндан кўздан кечирганда роман-олмон оиласига мансуб мамлакатларда фуқаролик кодекслари бир-биридан жиддий фарқ қилади. Мухим тафовутлардан бири Умумий қисмнинг бор ёки йўқлиги билан белгиланади. Олмониянинг 1896 йилги фуқаролик қонунлари мажмуида умумий қисм мавжуд бўлиб, унда фуқаролик ҳуқуқи институтларининг барчасига нисбатан қўлланиладиган қоидалар бор. Франциянинг классик Фуқаролик кодексида Умумий қисм амалда йўқ, у ерда умуман қонунларнинг эълон қилинганлиги, амал қилиши ва қўлланилиши тўғрисида қисқача Кириш маълумотлари бўлиб, у фуқаролик ҳуқуқига қараганда кенгрокдир. Унинг нормалари кўпроқ конституциявий тусга эга. Олмония фуқаролик қонунлари мажмуида бундай нормалар йўқ.

1.1804 йилги Франция Фуқаролик кодекси уч китобдан иборат.

I.Шахслар тўғрисида.

II.Мол-мулк ва мулкнинг турли ўзгаришлари тўғрисида.

III.Мулк олинадиган турли усуллар тўғрисида.

Биринчи китоб оила ҳуқуқини ўз ичига олади. Бельгия, Люксембург Фуқаролик кодекслари, баъзи истиснолар билан Испания Фуқаролик кодекси Франция моделига ўхшашдир.

1896 йилги Олмония фуқаролик қонунлари мажмуи беш китодан иборат:

I. Умумий қисм.

II. Мажбурий ҳуқуқ.

⁵⁷ Лунц Л.А., Марышева Н.И., Садиков О.Н. Международное частное право. Учебник. -М.: 1984. – 365-370 с

III. Ашёвий ҳуқуқ.

IV. Оила ҳуқуқи.

V. Мерос ҳуқуқи.

Олмония фуқаролик қонунлари мажмуининг таркибий тузилиши классик пандект² тизимини тавсифлайди. Нормаларининг амал қилиши қолган барча бўлимларга ҳам жорий этиладиган Умумий қисмнинг ажратилиши унинг асосий фазилати ҳисобланади. Ушбу тизим римлик ҳуқуқшунос Гаянинг «Институциялар» баёни тизимига асосланувчи Рим ҳуқуқи учун анъанавий бўлган тизимдан фарқ қилади. Франция Фуқаролик кодекси ҳам асосан мана шу «Институциялар»га асосланади. Пандект тизими Олмония хусусий ҳуқуқига хос тизимга айланди.

Олмонияда *Халқаро хусусий ҳуқуқ кодекси 1986 йилдан қабул қилинган*. Олмония халқаро хусусий қонунлари мажмуи, француз кодексига қараганда аниқдир. Қонунлар мажмуи учун умуман олганда мантикий илчиллик, умумий қоидалардан хусусий қоидаларга ўтиш хосдир. Бироқ Наполеон кодексидан фарқ қилган ҳолда Олмония халқаро хусусий ҳуқуқий қонунлари мажмуи ҳаддан ташқари мукаммал тилда ёзилган ва натижада қийин ўзлаштирилади⁵⁸. Греция, Португалия ва Япония Халқаро хусусий кодекслари Олмония Фуқаролик қонунлари мажмуи модели бўйича тузилган.

Олмония хусусий қонунлари мажмуи хусусий ҳуқуқни кодекслаштириш ва қонунчилик техникаси намунаси ҳамда Олмония ҳуқуқий тизимининг ўзаги ҳисобланади. Олмонияда ҳам, Францияда бўлганидек, кодекслар амалдаги ҳуқуқнинг негизи ва асоси ҳисобланади.

Олмония фуқаролик қонунлар тўпламини амалга киргазиш тўғрисидаги қонунида маълум даражада коллизия нормалар мавжуд эди. Лекин ушбу

² «Пандект» (барча жиҳатини қамраб олувчи) атамаси римлик юристлар ижодининг хилма-хиллигини ўз ичига олувчи Юстиниан кодексларининг таркибий қисми «Дигест»ни англатиш учун синоним бўлган ўрта асрлардаги эквивалент ҳисобланади. Кейинчалик Рим хусусий ҳуқуқининг бутун тизимини пандект деб, пандектли деб эса Рим ҳуқуқи негизда ишлаб чиқилган немис хусусий ҳуқуқини атай бошлашган.

⁵⁸ Международное коммерческое право. Учебник. -М.: Омега-Л, 2006. - 389 с.

нормалар, айниқса мажбурият ҳуқуқи соҳаси бўйича етарли даражада эмасди. 1986 йилнинг 1 сентябридан бошлаб халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида қонун амалга киритилди ва шу туфайли Олмониянинг фуқаролик қонунлар тўпламини амалга киритиш тўғрисидаги Қонуннинг тегишли моддалари ўрнига бошқа меъёрлар ёки уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу Қонунда оила ҳуқуқи соҳасида судда кўрилиши учун тегишли бўлган тартибни белгилловчи нормалар ҳам назарда тутилган. Шунингдек унга шартнома мажбуриятига нисбатан қўлланадиган ҳуқуқ тўғрисидаги 1980 йил Рим конвенциясида белгиланган тартиб киритилган. Натижада битимларнинг шакли, никоҳ тузиш ва уни бекор қилиш бўйича, болалар ҳуқуқи, ҳомийлик ва васийлик, мерос ҳуқуқи, мажбурият ва меҳнат ҳуқуқи ва процессуал масалалар бўйича қўлланиши керак бўлган коллизия нормаларнинг тизими ўрнатилди.

Фуқаролик кодекси Франциядаги сингари, улар қадимий бўлиб, бир неча марта ўзгартирилган. Айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейин ундан фашизм замонида киритилган қисмлар чиқариб ташланди. Бироқ урушдан олдинги замонга, шу жумладан Веймар республикаси замонига таққосланганда Олмония ҳуқуқидаги ўзгартиришларнинг анчагина қисми, кодекслар орқали эмас, балки жамият ҳаётининг турли соҳаларини тартибга солувчи махсус қонунлар ёрдамида киритилган.

Франциядагидан фарқ қилган ҳолда ГФРнинг 1949 йилги Асосий қонуни ижроия ҳокимиятнинг автоном тартибга солувчи ҳокимиятини тан олмайди ва декретлар-қонунлар амалиётини тақиқлайди. Олмонияда ҳукумат ҳужжатлари ва бошқа қонунга тенглаштирилган ҳужжатлар гарчи амалиётда истиснолар учраб турса ҳам фақат қонунларни ижро этиш доирасида чиқарилиши мумкин. Олмонияда Францияда кенг тарқалган «янги типдаги» жамланган кодекслар йўқ.

Урф-одатларнинг ўрни Олмония хусусий ҳуқуқида тахминан Франциядагидек. У кодекслаштириш билан қамраб олинмаган тор муҳитдагина ҳаракат қилади.

Хусусий ҳуқуққа келганда, бунда унинг роли Франциядагига қараганда камроқ, бу, биринчидан, давлат ҳуқуқи амал қилиши соҳасида анча кенгроқ конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш, иккинчидан, Олмониянинг давлат тузилмалари Францияда бўлганидек унчалик салмоқли тарихга эга эмаслиги билан изоҳланади. Францияда конституциявий ҳуқуқнинг тарихан шаклланган оддий соҳасида давлат тузилмалари роли анча аҳамиятлидир.

Франциядаги сингари Олмонияда ҳам суд амалиёти ҳуқуқ манбаига айланади. Бирор-бир ҳуқуқий муаммо шунга ўхшаш бир қанча ишларни ҳал этишда бир маънода ифодаланган ва ушбу қарор юқори суд босқичининг обрўси билан тасдиқланган. Бироқ ҳар иккала мамлакатда вазиятнинг у ёки бу даражада мос келиши тўғрисида фақат умумий суд тизимига татбиқан гапириш мумкин.

Маъмурий ҳуқуққа келганда эса, шуни таъкидлаш лозимки, модомики у Олмонияда Франциядагига қараганда қонунчилик тартибида кенгроқ ишлаб чиқилган экан, тегишлича ушбу соҳада суд амалиётининг роли ҳам унчалик муҳим эмас.

Олмония халқаро савдо кодексида Бельгия ва Голландия кодексларида мавжуд бўлмаган савдо олди-сотдиси тўғрисидаги қоида ўзининг батафсил ифодасини топган. Банкротлик Франция, Бельгия, Испания кодексларида акс эттирилган, Голландия, Олмония, Австрия ва Туркияда эса савдо қилувчини ночор деб эътироф этиш махсус қонун билан тартибга солинади. Бундан ташқари, Франция ҳуқуқида ночорлик тушунчаси фақат савдо қилувчиларга, Олмония ҳуқуқида эса савдо ҳуқуқининг барча субъектларига нисбатан қўлланилади. Айрим мамлакатларда (Франция ва Бельгияда, Швейцариянинг айрим кантонларида) савдо ишлари бўйича махсус судлар иш кўради, бошқа мамлакатларда эса бундай ажратиш умуман мавжуд эмас ёки оддий судларда савдо бўлимлари мавжуд. Голландия, Олмония ва Туркия кодексларидан фарқ қилган ҳолда Франция

ва Бельгия кодекслари савдо операциялари ўтказилишини тартибга солади⁵⁹.

Олмония ва Швейцарияда саноат мулки патентлар, саноат намуналари, савдо белгилари муаллифлик ҳуқуқи билан биргаликда фуқаролик ҳуқуқига киритилган. Францияда эса муаллифлик ҳуқуқи фуқаролик кодекси билан тартибга солинмаса ҳам фуқаролик ҳуқуқининг бир қисми ҳисобланади, патент ва товар белгилари савдо ҳуқуқи соҳасига қирувчи саноат мулкига тегишлидир. фирм рақобат ва трестларга қарши қонунлар Олмония ва Франция ҳуқуқида амалиётда савдо ҳуқуқи билан мустаҳкам боғлиқ қонунлар сифатида қабул қилинган.

Шундай қилиб, роман-олмон ҳуқуқий оиласининг кўпчилик мамлакатларида савдо ҳуқуқи ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси сифатида қабул қилинган. Боз устига кодекслаштиришнинг бир хилдаги тизими ушбу мамлакатларда ҳам (масалан, Италия, Швейцарияда) юридик адабиётда ва ўқув курсларида халқаро савдо ҳуқуқига ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси сифатида қаралади.

д) Швейцария, Швеция ва Австрия давлатлари.

Фуқаролик ҳуқуқини *Швейцарияда кодекслаштирилиши* Швейцария Фуқаролик кодекси (1907 йил) ва Швейцария мажбурият қонуни (1911-1936 йиллар) шаклида амалга оширилди. Бу ерда Фуқаролик кодекси бешта китобдан иборат:

- I. Ҳуқуқ субъектлари (жисмоний ва юридик шахслар).
- II. Оила ҳуқуқи.
- III. Мерос ҳуқуқи.
- IV. Мулк ҳуқуқи.
- V. Халқаро хусусий муносабат.

⁵⁹ Международное коммерческое право. Учебник. -М.: Омега-Л, 2006. - 399 с.

Уларни мукаддима бошлаб беради. Халқаро хусусий муносабат тўғрисидаги қонун Кодекснинг бешинчи китоби ҳисобланади, бироқ автоном тузилмага эга. У беш қисмдан иборат.

I. Халқаро хусусий муносабат ҳақидаги умумий қоидалар.

II. Халқаро хусусий муносабат айрим турлари.

III. Савдо ширкатлари.

IV. Савдога оид рўйхатдан ўтказиш, фирмага эгалик қилиш ҳуқуқи, савдо ҳисобчилиги.

V. Қимматли қоғозлар.

Кодексида Умумий қисм йўқ. Умумий тусдаги қоидалар асосан Мажбурият юқловчи қонуннинг I-китобида жамланган. Методига кўра ҳар иккала ҳужжат унчалик мавҳум эмас, Олмония Фуқаролик кодекси сингари тизимли оддий тилда ёзилган. Шу билан бирга истиснолар ҳам мавжуд. Масалан, Швейцария алоҳида савдо кодекси ғоясини инкор қилган ва тегишли қоидалар Мажбурият тўғрисидаги қонунда жамланган. Италия илгари амал қилган Савдо кодексини (1882 йил) 1942 йилдаги янги Фуқаролик кодексига алмаштирган. Голландияда ҳам яқинда бўлиб ўтган кодекс тузиш жараёнида алоҳида савдо комплекси мақбул эмаслиги ҳақидаги хулосага келинган.

Савдо кодексларининг ўзига хос хусусиятлари. Роман-олмон ҳуқуқий оиласига кирувчи мамлакатлар савдо кодексларининг мазмунини батафсил қараб чиқишга интильмасдан тегишли таркибий тафовутларни изоҳловчи айрим мисоллар келтирамиз. Масалан, Франция, Австрия ва Олмония Халқаро Савдо кодексларида суғурта тартибга солинмайди, бироқ Бельгия, Голландия, Испания, Португалия ва Туркия кодексларида у ўз аксини топган⁶⁰.

⁶⁰ Международное коммерческое право. Учебник. -М.: Омега-Л, 2006. – 401-403с

Швеция кодекслаштириш Скандинавия мамлакатларида марказлашган давлат ва мамлакат миқёсида бирхиллаштирилган ҳуқуқ эрта пайдо бўлган.

XII асрдан бошлаб Швецияда қонунчиликнинг жамланиши амалга оширилган. XIV аср ўртасида иккита қонун чиқарилган. Улардан бири қишлоқ жойлардаги, иккинчиси шаҳарлардаги муносабатларни тартибга солган. Ушбу ҳужжатлар Швецияда 400 йил давомида амал қилиб, уларнинг ижтимоий ҳаётнинг янги шароитларига мослашиши жараёнида судлар муҳим роль ўйнаган.

XVII-XVIII асрлар давомида икки қонун ҳужжати, икки тўплам Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимларини шакллантиришнинг бошланғич нуқтаси бўлган. Улардан биринчиси 1683 йилда Данияда қабул қилинган қирол Христиан V Кодекси («Danske lov») 1687 йилда унинг амал қилиши «Норвег ҳуқуқи» номи остида Норвегияга ҳам жорий қилинган, иккинчиси эса 1734 йилги Швеция давлати қонунлари тўплами («Sveriges rikes log») эди.

Дания Кодекси қуйидаги бўлимлардан иборат:

1. Судда ишларни кўриб чиқиш тўғрисида.
2. Черков тўғрисида.
3. Дунёвий табақалар, савдо ва оила ҳуқуқи.
4. Денгиз ҳуқуқи тўғрисида.
5. Ашевий ҳуқуқ ва мерос ҳуқуқи тўғрисида.
6. Жиноят ҳуқуқи тўғрисида.

1734 йилги Швеция кодексида тўққизта бўлим бор эди:

1. Никоҳ тўғрисида.
2. Ота-оналар ва болалар тўғрисида.
3. Мeros тўғрисида.

4.Кўчмас мулк тўғрисида.

5.Қурилиш тўғрисида.

6.Савдо тўғрисида.

7.Жиноятлар тўғрисида.

8.Суд қарорларини ижро этиш тўғрисида.

9.Судда ишларни кўриб чиқиш ва суд тузилиши тўғрисида⁶¹.

Тўпламда 1300 параграф мавжуд эди. Дания кодекси сингари у оддий, тушунарли, халқ тилида ёзилган бўлиб тўлиқроқ ва аниқроқ тартибга солиш мақсадида XVIII асрда табиий ҳуқуқ тарафдорлари томонидан Европа қитъасида жорий этилган назарий умумлашмалар ва панд-насихат тушунчаларидан воз кечилган.

Швеция қонунчилиги тўлиқ кодекслаштирилмаган. Қонунларни расмий нашрда эълон қилиш пайтида тартиб рақами қўйилиши уни тизимлаштиришнинг ягона расмий методи ҳисобланади. Қонунчилик жараёнининг узил-кесил натижалари қонунлар ва қарорлар 1824 йилда асос солинган расмий бюллетень бўлимиш «Швеция қонунчилиги тўплами»да эълон қилинади. Қонун матнларидан иқтибос келтиришда бюллетень чиққан йил ва унинг рақамига ҳавола қилинади.

Швед ҳуқуқидаги урф-одат ўзида амал қилишини ижтимоий амалиётда сақлаб келаётган «ҳуқуқнинг ёзилмаган нормаси»ни ифодалайди. Швецияда урф-одатларни қўллаш соҳаси анча чекланган, чунки қонун устуворлиги сабабли, урф-одатга иккинчи даражали рол ажратилмоқда.

Бу ижтимоий муносабатларнинг кўпчилик қисми қонунчилик йўли билан тартибга солиниши билан боғлиқдир. Бироқ савдо, денгизда сузиш каби соҳаларда урф-одат ҳамон катта аҳамиятга эга, айрим ҳолларда эса (улар сони жуда оз) урф-одат ҳатто қонундан устунлик қилади.

⁶¹ Микульшина А.И. Международное право. -М.: Международные отношения. 2005. – 367-374 с.

Масалан, кўчар мулкни сотиш ва айирбошлаш тўғрисидаги қонунда, агар шартномада тарафлар томонидан ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса ёки савдо урф-одатидан ўзгача ҳол келиб чиқмаса, ушбу қонун нормалари қўлланиши кераклиги кўрсатилган.

Давлатларда халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари алоҳида қонунларда мужассам топганларидан янак бири Австриядир. Махсус халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларидан ташкил топган Кодекс Австрияда 1978 йилда қабал қилинган⁶².

1811 йилги Австрия Фуқаролик кодекси роман-олмон ҳуқуқий оиласининг энг биринчи кодексларидан биридир. У анча катта ҳажмда ташкил этилганлиги билан фарқланиб туради. Муқаддима ва уч қисмга бўлинган. Муқаддимада фуқаролик ҳуқуқи фанига таъриф, талқин қилиш қоидалари, одат ҳуқуқи билан нисбати, мақомий ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқий нормалар берилган. Биринчи қисмда «шахслар ҳуқуқи» ва оила ҳуқуқи баён қилинган. Иккинчи қисм ашёвий ҳуқуққа бағишланган. Учинчи қисмда «шахслар ҳуқуқи» учун умумий бўлган қоидалар ва ашёвий ҳуқуқ тўпланган. Улар аралаш тусга эга.

Франция Фуқаролик кодекси билан деярли айна бир вақтда, бироқ муносабатлари қарор топишига ҳали узоқ вақт бор бўлган, ҳокимият тепасида эса феодал-монархик доиралар турган мамлакатда ташкил этилган 1811 йилги Австрия фуқаролик қонунлари мажмуи⁶³ ўша замон учун илғор ҳисобланган айрим қоидалар (масалан, табиий ҳуқуқнинг эътироф этилиши), эски одатдаги ҳуқуқ билан чатишиб кетган ўзга хос хусусиятларга эга эди. Ушбу кодексни ҳозирги замон ҷамияти эҳтиёжларига мослаштириш учун қўплаб ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ва чуқур ислохотларни амалга оширишга тўғри келди. Бироқ у ҳозиргача амал қилади.

⁶² Микульшина А.И. Международное право. -М.: Международные отношения. 2005. – 355-364 с.

⁶³ «Пандект» (барча жихатини қамраб олувчи) атамаси римлик юристлар ижодининг хилма-хиллигини ўз ичига олувчи Юстиниан кодексларининг таркибий қисми «Дигест»ни англатиш учун синоним бўлган ўрта асрлардаги эквивалент ҳисобланади. Кейинчалик Рим хусусий ҳуқуқининг бутун тизимини пандект деб, пандектли деб эса Рим ҳуқуқи негизда ишлаб чиқилган немис хусусий ҳуқуқини атай бошлашган.

е) Марказий ва Ўрта Осиё давлатлари.

Хитой, Россия, Украина, Белорусия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Испания, Португалия, Жазоир, Миср, Ироқ, Перу, Вьетнам, Мўғулистон ва бошқа катор давлатларнинг Фуқаролик кодексларида халқаро хусусий ҳуқуқнинг коллизия нормалари мужассам топган. Японияда ҳам коллизия нормалар ўз ҳуқуқий асосларига эга. Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасидаги қоидалар 1989 йилда қабул қилинган ва 1990 йилнинг 1 январидан амалга киритилган қонунда назарда тутилди.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари махсус ушбу соҳага бағишланган Кодекс ёки Қонун, шунингдек Фуқаролик кодекслардан ташқари бошқа қонун ҳужжатларида ҳам мавжуд. Бундай қонун ҳужжатлари қаторига Хитойнинг 1986 йилдаги фуқаролик ҳуқуқининг Умумий қоидалари, 1985 йилдаги халқаро хўжалик ҳуқуқлари тўғрисидаги Қонуни киради. Қонун Хитой ва чет эл ташкилотлари ўртасида барча чет эл иқтисодий, олди-сотди муносабатлари бўйича тузиладиган шартномаларга нисбатан қўлланилади. Ушбу Қонунни чет эл элементлари билан мураккаблашган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга бевосита қўлланадиган меъёрлардан иборат деб айтиш мумкин⁶⁴. Қонуннинг кўп нормалари диспозитив характерга эга.

ХХР Конституцияси деярли тўлиқ Хитойнинг 1954 йилдаги биринчи Конституцияси билан ҳамоханг эди. Фаол олиб борилган иқтисодий ислохотлар – кўп укладли иқтисодиётнинг тикланиши, фуқаролик муомаласининг жонланиши, корхоналар мустақиллигининг оширилиши, хорижий инвестицияларнинг кенг жалб қилиниши кўплаб норматив ҳужжатлар қабул қилиш учун шарт-шароитлар яратди. Масалан, фақат ташқи иқтисодий масалалар бўйича 50дан ортиқ турли ҳужжатлар қабул қилинди. Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидалари, Фуқаролик-процессуал кодекси, хорижий фирмалар сармоясига асосланган корхоналар

⁶⁴ Халқаро хусусий ҳуқуқ // Х.А.Рахмонкулов ва бошқ. -Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 2002. – 29–30 б

тўғрисидаги қонун, хўжалик шартномаси тўғрисидаги қонун, қўшма корхоналар тўғрисидаги ҳар хил ҳужжатлар қабул қилинди. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик тўлиқ янгиланди. Хитой жиноят қонунчилигининг ўзига хослиги айбсизлик презумпцияси принципининг рад қилинишида, профессионал адвокатлар ва айбланувчиларнинг бошқа ҳимоячилари учун тенг бўлмаган процессуал ҳолатга йўл қўйилиши, жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асосларнинг аниқ кўрсатмаслиги, намоишкорона оммавий суд жараёнлари амалиётининг сақланиб қолиши ва бошқалардан иборатдир. Ишларни кўриб чиқишнинг суддан ташқари шакллари, бир томондан ушбу соҳада анъаналар сақланиб қолганлиги, иккинчи томондан ҳуқуқшунос кадрлар нисбатда етишмаслиги билан боғлиқдир

1992 йилдаги Ўзбекистон Конституцияси ҳуқуқий тизимда халқаро ҳуқуққа муҳим ўрин берар экан (17-модда), Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг халқаро ҳуқуқ билан яқин алоқадорлигини таъминлади. Сўз Ўзбекистон Конституциясининг 109-моддасига биноан, мамлакат Конституциявий суди Конституциянинг халқаро битимларга мувофиқлигини белгилаши ҳақида бормоқда.

Ўзбек қонунчилигини такомиллаштириш бўйича фаол иш олиб борилаётган ҳозирги даврда давлатнинг ички ва халқаро-ҳуқуқий тартиботи методларини қўллаш талаб қилинади. Бугунги кунда қонунчиликнинг ҳар қандай бўлими халқаро шартномалар билан алоқадорликка эга. Давлат ҳуқуқида – ташқи сиёсатнинг конституциявий асослари; халқаро алоқалар соҳасида – давлат ҳокимияти олий органларининг ваколати, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда фуқаролик ҳуқуқини тартибга солиш; фуқаролик ва оила ҳуқуқида, фуқаролик процессида – халқаро хусусий ҳуқуқнинг одатдаги муаммолари, фуқаролик ва оила ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалалари, шунингдек алоҳида аҳамият касб этган ташқи иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш масалалари; жиноят ҳуқуқида ва жиноят

процессидида – жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликнинг кўптармоқли жиҳатлари, жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларидир.

Янги принциплар туфайли ўзбек ҳуқуқи роман-олмон ҳуқуқий оиласига жадал суратларда яқинлашмоқда. Уни халқаро-ҳуқуқий соҳалар билан бирлаштириш миллий ҳуқуқий тизимларни яқинлаштиришнинг кенг тарқалган усули бўлишига қарамай, у ягона усул эмас. Умумий ҳуқуқий маконни шакллантириш учун бу тизимларнинг асосий йўриқлари, ҳуқуқий нормалар ва шунга яраша суд амалиётидаги умумий томонларни кенгайтириш йўли билан яқинлаштириш катта аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, ўзбек қонун ижодкорлиги урушдан кейинги роман-олмон қонунчилиқ анъаналари, яъни «хусусий кодификация» йўлидан бормади. ғарб қонун ижодкорининг кодексларни тубдан ислоҳ қилиш йўлидан бормаганлиги, балки қисман ўзгартиришлар билан чегараланганлиги ва бу ўз навбатида уларнинг ички структурасини бузиб юборганлиги кодификацияни ҳуқуқий ривожланишнинг ўтилган босқичи деб ҳисоблайдиган ва «ҳуқуқ декодификацияси» тўғрисида гапирадиган олимларнинг нуқтаи назарларини кучайтиради. Шундай қилиб, классик маънодаги Наполеон кодексларини ҳуқуқий актлар, одатлар ва суд қарорларининг мажмуаси сифатида намоён бўлувчи ҳозирги замон французча соҳа кодексларидан (меҳнат, ижтимоий таъминот, қишлоқ ҳўжалиги, ўрмон, тоғ ва ҳ.к.) фарқлай олиш лозим.

Шуни таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг «кодификация қилинган» ва «кодификация қилинмаган» қисмларининг ўзаро муносабати масаласи «ёки-ёки» принципи асосида кўрилмаслиги лозим. Ўзбек ҳуқуқи асосан кодификация қилинган ҳуқуқ. Бироқ, бу унда кодификация қилинган соҳалар умуман йўқ дегани эмас.

Ҳамма гап уларнинг нисбатида. Тарихан шундайки, агар мўътадил ҳуқуқий тизимда кодификация қилинган ҳуқуқ ҳукмронлик қилса, инглиз-америка умумий ҳуқуқида кодификация қилинмаган ҳуқуқ ҳукмронлик қилади.

Ҳуқуқ манбаларининг қатъий иерархияси. Ўзбек ҳуқуқи манбаларининг тизими Конституцияни, конституциявий қонунларни, жорий қонунларни, Президент фармонларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимият бошқарув органлари томонидан чиқариладиган норматив-ҳуқуқий актларни ўз ичига олади.

Роман-олмон ҳуқуқи анъаналарига асосланган ҳуқуқий тизим борасида кодексларнинг мавжудлиги, яъни Наполеон кодификацияси модели бўйича чиқарилган кодекслар муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда ҳам 13 та, шу жумладан, фуқаролик (1 қисм, 1995, 2 қисм, 1996), фуқаролик-процессуал (1995), жиноят (1994), жиноят-процессуал (1994), оила (1998), ер (1998) кодекслари қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Бош қонуни – Конституциянинг қатор қоидалари халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларига тааллуқли. Масалан, умум эътироф этилган халқаро тамойиллар ва ҳуқуқ нормаларини, инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ нормаларини ва уларнинг устунлигини тан олиш, шунингдек уларга амал қилиш тўғрисидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган қоидалар юқорида таъкидланганидек Конституциянинг тегишли моддаларида ўз аксини топган.

Чет эл элементлари билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва бошқа ички давлат қонунлари билан белгиланади. Фуқаролик кодексида умумий ва махсус масалалар бўйича ҳам халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари жой олади.

Масалан: чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларга нисбатан қўлланадиган ҳуқуқни танлаш (ФКнинг 1158-моддаси); юридик тушунчаларга ҳуқуқий баҳо бериш (ФКнинг 1159-моддаси); чет эл ҳуқуқи нормаларининг мазмунини белгилаш (ФКнинг 1160-моддаси); қарши томон ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола қилиш (ФКнинг 1161-моддаси); қонунни четлаб ўтиш оқибатлари (ФКнинг 1162-моддаси); ҳуқуқни ўзаролик асосида қўллаш (ФКнинг 1163-моддаси); ҳуқуқий тизимлари кўп бўлган

мамлакатнинг ҳуқуқини қўллаш (ФКнинг 1166-моддаси); жисмоний шахснинг шахсий қонуни (ФКнинг 1168-моддаси); жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари (ФКнинг 1169-моддаси); васийлик ва ҳомийлик (ФКнинг 1174-моддаси), юридик шахснинг қонуни (ФКнинг 1175-моддаси); юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати (ФКнинг 1176-моддаси); Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик шахслари фаолиятининг миллий тартиби (ФКнинг 1177-моддаси); чет эл элементи билан фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда давлатнинг иштирок этиши (ФКнинг 1178-моддаси); шахсий номулкий ҳуқуқлар, интеллектуал мулк (ФКнинг 1179-1178-моддалари), битимлар, вакиллик, даъво муддати (ФКнинг 1181-1183-моддалари); ашёвий ҳуқуқларга нисбатан қўлланадиган ҳуқуқ (ФКнинг 1184-1188-моддалари); шартнома мажбуриятларига нисбатан ҳуқуқни танлаш ва қўллаш (ФКнинг 1189-1192-моддалари); шартномадан ташқари мажбуриятлар (ФКнинг 1193-1196-моддалари), ворислик ҳуқуқи (ФКнинг 1197-1199-моддалари).

Юқорида келтирилган меъёрларда чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган коллизион нормалар кўзда тутилади. Коллизион нормалар ёрдамида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг турлари, мазмуни, моҳияти ва ушбу муносабатларда қатнашувчи тарафларнинг шахсий қонун ҳуқуқи ва муомила лаёқатлари ҳисобга олинган ҳолда муайян муносабатларга нисбатан у ёки бу давлат, шунингдек умум эътироф этилган халқаро шартнома нормалари танланади ва қўлланади. Муносабатлар юзасидан вужудга келган ҳар бир масалани бевосита коллизион норма ҳал қилмайди, балки у моддий ҳуқуққа, фуқаролик-ҳуқуқий қоидаларга, тегишли қоидаларга ҳавола этиш орқали келиб чиққан масаланинг ечимини топишга ва ҳал этишга ёрдам беради.

Халқаро хусусий ҳуқуқ қоидалари 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган ва 1 сентябрдан эътиборан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида ҳам мавжуд. Кодекснинг VIII бўлимида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг оилавий муносабатлардаги ҳуқуқ ва

мажбуриятлари (Оила кодексининг 234-моддаси), Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тузилган никоҳларни эътироф этиш (235-модда), Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки унинг ташқарисида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳдан ажратиш (236-моддалар), Ўзбекистон фуқароси бўлган болаларни чет эл фуқаролари томонидан фарзандликка олиш (237-модда), чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмунини аниқлаш (238-модда) каби масалаларга оид нормалар мужассам топган.

Халқаро хусусий ҳуқуққа оид қоидалар Оила кодексининг фақат VIII бўлими моддалари билан чекланмайди. Унинг бошқа бўлимлардаги меъёрларида ҳам халқаро хусусий ҳуқуққа тегишли қоидалар мавжуд. Чет эл фуқаролари Ўзбекистон ҳудудида Ўзбекистон фуқаролари фойдаланадиган ҳуқуқ лаёқатига тенг эга бўлганликлари каби (Фуқаролик кодексининг 1169-моддаси) никоҳ лаёқатига ҳам эгадирлар. Никоҳ тузиш тартиби ва уни расмийлаштириш учун белгиланган шартлар (Оила кодексининг 13-17-моддалари) чет элликлар учун ҳам тааллуқлидир. Шунга кўра ана шу моддаларда белгиланган шартлар бузиладиган ва никоҳ тузишга монелик қиладиган (Оила кодексининг 16-моддаси) ҳолатлар бўлса, никоҳни қайд қилишга йўл қўйилмайди.

Халқаро хусусий ҳуқуқ муаммоларига тегишли бўлган қоидалар 1992 йил 2 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонунда ҳам назарда тутилади. Бундай қоидалар қаторига қуйидагиларни мисол қилиб олиш мумкин: бошқа давлат фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳдан ўтиш ёки никоҳнинг бекор бўлиши ёхуд бир оила бўлиб яшаш шахснинг фуқаролигини ўзгартириш учун асос бўла олмайди (Қонуннинг 6-моддаси), Ўзбекистон фуқаросининг чет элда яшаши, унинг фуқаролигининг тўхтатилишига олиб келмайди (7-модда), чет элда яшовчи Ўзбекистон фуқаролари Ўзбекистон Республикаси ҳимояси ва ҳомийлигида бўлади (8-модда), Ўзбекистон фуқаросини чет давлатга топширишга йўл қўйилмаслиги (9-модда), Ўзбекистон фуқароси

бўлган шахснинг чет давлат фуқаролигига мансублигини тан олинмаслиги (10-модда), Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган асослар бўйича Ўзбекистон фуқаролигини олиш (12-модданинг 3-қисми), ота ёки онаси Ўзбекистон фуқароси бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ёхуд ота-онаси номаълум бўлган болаларнинг фуқаролиги ва шунга ўхшаш бошқа масалаларнинг халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига тегишли жиҳатлари мавжуд.

3§. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини систематизациялаштириш муаммолари.

Халқаро ҳуқуқни кодификация қилиш халқаро ҳуқуқ, нормаларини системалаштириш ва амалдаги нормаларнинг мазмунини мустахкамлаш ва аниқ, ифодалаш йули билан такомиллаштириш, эски нормаларни қайта кўриб чиқиш ва халқаро муносабатларнинг ривожланиши талабини ҳисобга олган ҳолда янгиларини ишлаб чиқиш ва ушбу нормаларни ягона ички мувофиқлаштирилган тартибда халқаро муносабатларнинг муайян соҳасини имкон қадар яхшироқ. тартибга солишга йуналтирилган халқаро хусусий ҳуқуқий ҳужжатларда мустахкамлашдан иборат.

Дунё давлатлари тажрибасида, Халқаро хусусий ҳуқуқни системалаштириш аввалдан халқаро хусусий ҳуқуқий назариялар, доктриналар билан амалга оширилган. Аммо бундай системалаштириш, ҳатто, бир тарихий даврда ҳам ва муаллифларни айнан бир ҳуқуқий мактабга алоқадорлигидан қатъий назар, муқаррар равишда субъектив ва куп вариантлидир.

Қатор давлатларда халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари алоҳида қонунларда мужассам топган. Шунинг билан бирга махсус халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларидан ташкил топган ситематизацияга эга бўлган давлатлар ҳам бор. Бундай кодекс Австрияда (1978 йил), Венгрияда (1979 йил), Польшада (1965 йил), Туркияда (1982 йил), Руминияда (1992 йил), ГФРда (1986 йил), Швейцарияда (1987 йил), Лихтенштейнда (1997 йил) қабул қилинган. 1995 йил сентябрда Италиянинг халқаро хусусий ҳуқуқ ислоҳоти тўғрисидаги Қонуни амалга киритилди. 1982 йил Югославияда қабул қилинган маълум ҳуқуқий муносабатларда қонун ва чет эл ҳуқуқи нормалари ўртасидаги коллизияларни ҳал қилиш тўғрисидаги Қонун ҳозирги кунда Сербияда, Словенияда, Хорватияда, Черногорияда ҳаракат қилмоқда, АҚШнинг Луизиана штатида 1991 й. қабул қилинган халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Қонуни мазкур штатнинг Фуқаролик кодекси таркибига

киритилди. Канаданинг Квебек провинцияси Фуқаролик кодексининг ўнинчи китоби халқаро хусусий ҳуқуқ масалаларига бағишланади.

Россия, Украина, Белорусия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Испания, Португалия, Жазоир, Миср, Ироқ, Перу, Вьетнам, Мўғулистон ва бошқа қатор давлатларнинг Фуқаролик кодексларида халқаро хусусий ҳуқуқнинг коллизия нормалари мужассам топган.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари махсус ушбу соҳага бағишланган Кодекс ёки Қонун, шунингдек Фуқаролик кодекслардан ташқари бошқа қонун ҳужжатларида ҳам мавжуд. Бундай қонун ҳужжатлари қаторига Хитойнинг 1986 йилдаги фуқаролик ҳуқуқининг Умумий қоидалари, 1985 йилдаги халқаро хўжалик ҳуқуқлари тўғрисидаги Қонуни қиради. Қонун Хитой ва чет эл ташкилотлари ўртасида барча чет эл иқтисодий, олди-сотди муносабатлари бўйича тузиладиган шартномаларга нисбатан қўлланилади. Ушбу Қонунни чет эл элементлари билан мураккаблашган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга бевосита қўлланиладиган меъёрлардан иборат деб айтиш мумкин. Қонуннинг кўп нормалари диспозитив характерга эга.

АҚШ ва Англияда халқаро хусусий ҳуқуқ кодификация қилинмаган. Англияда хусусий ҳуқуқ бўйича Дэйси курси кенг доирада тан олинган, АҚШда Америка ҳуқуқ институти томонидан тайёрланган конфликтлар тўғрисидаги қонунлар Тўплами ҳаракат қилади. Унинг биринчи тўплами 1834 йилда, иккинчиси – 1971 йилда нашр этилган. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари АҚШнинг Бирхилдаги савдо кодексида ҳам мавжуд. Ушбу кодексида қонунни макон ва замон бўйича қўллаш ҳақида қоидалар мавжуд. Чет эл суверенига тааллуқли масалалар АҚШнинг 1976 йилдаги чет эл давлатларининг иммунитетини тўғрисидаги Қонуни билан ҳал қилинади.

Англияда коллизия муаммоларга тегишли статус ҳуқуқининг қўлланиш доирасини кенгайтиши унинг маълум даражада Европа ҳамдўстлиги ва Гаага конвенцияларига аъзо бўлиши билан изоҳланади.

Чехияда 1963 йилда Чехо-Словакияда қабул қилинган халқаро хусусий ҳуқуқ ва процесс ҳуқуқи ҳақидаги Қонун ҳозир ҳам ҳаракатда. Францияда халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуннинг лойиҳаси 1959 йилда тайёрланган эди. 1969 йили унинг асосида янги лойиҳа тайёрланди. Лойиҳа суд амалиётида қўлланиб келинган тамойилларга асосланади ва шунинг билан бирга халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига тааллуқли бўлган нормаларни суд амалиётида шакллантириш учун ҳам кенг имконият беради.

Германия фуқаролик қонунлар тўпламини амалга киргазиш тўғрисидаги қонунида маълум даражада коллизия нормалар мавжуд эди. Лекин ушбу нормалар, айниқса мажбурият ҳуқуқи соҳаси бўйича етарли даражада эмасди. 1986 йилнинг 1 сентябридан бошлаб халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида қонун амалга киритилди ва шу туфайли Германиянинг фуқаролик қонунлар тўпламини амалга киритиш тўғрисидаги Қонуннинг тегишли моддалари ўрнига бошқа меъёрлар ёки уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу Қонунда оила ҳуқуқи соҳасида судда кўрилиши учун тегишли бўлган тартибни белгиловчи нормалар ҳам назарда тутилган. Шунингдек унга шартнома мажбуриятига нисбатан қўлланадиган ҳуқуқ тўғрисидаги 1980 йил Рим конвенциясида белгиланган тартиб киритилган. Натижада битимларнинг шакли, никоҳ тузиш ва уни бекор қилиш бўйича, болалар ҳуқуқи, ҳомийлик ва васийлик, мерос ҳуқуқи, мажбурият ва меҳнат ҳуқуқи ва процессуал масалалар бўйича қўлланиши керак бўлган коллизия нормаларнинг тизими ўрнатилди.

Японияда ҳам коллизия нормалар ўз ҳуқуқий асосларига эга. Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасидаги қоидалар 1989 йилда қабул қилинган ва 1990 йилнинг 1 январидан амалга киритилган қонунда назарда тутилди.

Юқоридаги мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, халқаро хусусий ҳуқуқий тизимлаштириш – ривожланувчи бирикма, у ўз ҳолича қотиб қолмайди, балки тарихий жараён давомида мунтазам ўзгаради ва такомиллашади. Бироқ унинг барча унсурлари ҳам бир хил суръатларда ривожланмайди.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини системалаштириш инкорпорация ва кодификация тартибда амалга оширилиши мумкин.

Халқаро хусусий ҳуқуқни инкорпорация қилиш халқаро хусусий ҳуқуқий нормаларни шундай қайта ишлашки, унда уларнинг моҳияти ўзгармаган ҳолда муайян тартибда жойлаштирилади. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг шундай бирлаштирилиши турли тупламларда, халқаро муносабатларнинг айрим масалалари бўйича куп томонлама битимларда савдо, транспорт, алоқа ва бошқаларда амалга оширилади.

Халқаро хусусий ҳуқуқни кодификация қилиш халқаро хусусий ҳуқуқий нормаларни хусусий ҳуқуқ субъектлари томонидан системалаштиришни аниқлатади. Системалаштириш фақат халқаро хусусий ҳуқуқий нормаларни ягона тизимга солишни эмас, балки уларни янада аниқ, ифодалашни ва халқаро одатларни шартнома шаклида акс эттиришни кузда тутади.

Расмий систематизациялаштириш фақат халқаро шартномалар шаклида амалга оширилади. Бу маънода ҳозир фақат халқаро денгиз ҳуқуқи тулик, кодификация қилинган. Кодификация қилиш жараёнида БМТ алоҳида уринга эга ва бу борада унинг Халқаро хусусий ҳуқуқ Комиссияси катта иш олиб бормокда.

Лекин хусусий ҳуқуқнинг бошқа соҳалари давлатлар ўртасида тўлиқ систематизациялаштирилмаган. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг систематизациялаш ҳар бир мамлакатда хусусий муносабатларни ташкил топишида, бундай нормаларнинг халқаро миқёсда шаклланиши каби кенг доирадаги турли муҳим ички ва ташқи манфаатлар ҳисобга олинади. Лекин бунда жамиятнинг моддий ҳаёт шароитини ҳисобга олиш ва уни халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларида акс эттириш ички давлат ҳуқуқ нормаларига нисбатан анча мураккаб тус олади. Чунки ички давлат ҳуқуқ нормаларида ушбу давлатнинг муайян ижтимоий шароити, сиёсий ва иқтисодий манфаатлари ўз аксини топади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларида эса халқаро муносабатларга оид тан олинган удум ва одат, ўрнатилган қоидалар, унинг позицияси, чет эллик фуқаролар ва юридик шахсларнинг халқаро ҳуқуқий мақоми, яъни турли давлатлар ва уларга мансуб шахсларнинг хусусий манфаатлари ўз аксини топади.

Демак, халқаро хусусий ҳуқуқ алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида ҳуқуқни тизимлаштиришда ўзига яраша жой эгаллайди. Унинг мазмуни давлатнинг ички ҳуқуқий нормалари ва коллизия (тўқнашувчи) нормалар билан тартибга солинадиган нормалардан ташкил топади. Унинг предмети ушбу нормалар билан тартибга солинадиган чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эллик юридик шахслар иштирокидаги (давлатлар ҳам халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабатларнинг иштирокчилари бўлиши мумкин) чет эл элементи билан мураккаблашган мулкӣ, шахсий, номулкӣ, оилавий, меҳнат муносабатларидан ва процессуал ҳаракатлардан иборат.

Халқаро хусусий ҳуқуқшунослик учун ҳар бир мамлакатнинг миллий ҳуқуқий тизими, ҳуқуқий тизимлари оиласи, ҳуқуқнинг тарихий типи, жаҳоннинг ҳуқуқий харитаси сингари асосий ва ўзаро боғланган тушунчаларнинг моҳиятини очиш, бирхиллаштириш ХХІ асрмизнинг долзарб муаммоларидан бирига айланмоқда.

*...Устувор вазифа-бу мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборатдир.*⁶⁵

ХУЛОСА.

Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегиямизни ва инқирозга қарши қабул қилган дастуриимизни амалга ошириш натижасида юртимиз дунёдаги санокли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришгани барчамизга катта мамнуният ва ифтихор бағишлайди, албатта⁶⁶.

Мустақилликнинг ҳуқуқий асоси бўлган Ўзбекистон Конституцияси 17-моддасининг 2-қисмига биноан, "Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин". Ушбу қоида республикамиз ташқи сиёсатининг асосий мазмунини халқнинг фаровон ҳаёти ва манфаатларининг таъминланиши ташкил қилишидан, ушбу мақсадда давлатимиз бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатишга тайёр эканлигидан далолат беради.

Бундай алоқалар нафақат сиёсий, балки иқтисодий аҳамиятга ҳам эгадир. Давлатларнинг биргаликда корхоналар барпо этиши, инвестиция ва кредитлар ажратиш, Эркин иқтисодий зоналар ташкил этиши ва товарлар

⁶⁵ И.А. Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баратарф этиш йўллари ва чоралари. Тошкент. 2009 йил. 38-бет..

⁶⁶ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ - ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР.

И.А.Каримов..2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига башиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январ

олди-сотдиси, юк ва йўловчилар ташиш грант эълон қилиш асосида тегишли лойиҳалар бўйича илмий тадқиқотларни бажариш билан боғлиқ муносабатлар халқаро иқтисодий аҳамиятга эга.

Мазкур муносабатлар халқаро хусусий ҳуқуқ ва унинг муҳим тармоғи ҳисобланувчи халқаро хусусий ҳуқуқи нормалари воситасида тартибга солинади.

Бугунги кунда давлат ва жамият қурилиши соҳасида мамлакатимиз олдида ўзининг миқёси ва қамровига кўра улкан вазифалар турибди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-бери давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришимиз зарур⁶⁷.

2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган ижтимоий-иқтисодий соҳанинг изчил ривожланишини, мамлакатда барқарорликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарур⁶⁸.

Биз юқорида, халқаро хусусий ҳуқуқда унификация, кидификация ва систематизация мавзусини илмий ўрганиш жараёнида, миллий қонунчилик нормаларини ривожлантириш ва унификация, кидификация ва систематизация юзасидан хизмат қиладиган бир қатор хатодан холи бўлмаган, муҳим таклифлар беришимизга имкон туғилди. Хулоса қилиб айтганда биз томонимиздан, қуйидаги фикр ва мулоҳазарга келинди:

- Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилишда халқаро хусусий ҳуқуқий унификация, кидификация ва

⁶⁷ **МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ - УСТУВОР МАҚСАДИМИЗДИР.**

И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўиша мажлисидаги маъруза, 2010 йил 27 январь

⁶⁸ **АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ - ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР.**

И.А.Каримов..2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг энг муҳим устувор йўналишларига башиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январ

систематизацияга доир миллий қонунчилик нормалари баъзаси устида тинимсиз изланиш олиб бориш ва такомиллаштириб бориш;

- Ўзбекистон Жаҳон молиявий инқироз авжга чиққан даврда иқтисодийётга кенг миқёсда аралашуви, биринчи навбатда, банк-молия тизими ликвидлигини қўллаб-қувватлашга, ипотека кредитлари соҳасидаги ўпирилишларни бартараф этишга эътиборни қаратиш билан бирга, халқаро хусусий ҳуқуқий нормаларни унификация, кидификация ва систематизация соҳаларига катта эътибор бериш.
- Биз мамлакатимизнинг келажагини кўзда тутган ҳолда, бугунги кунда тараққий топган давлатларда халқаро хусусий ҳуқуқий унификация, кидификация ва систематизациясига доир энг илғор, истиқболли йўналишларини илмий ўрганиш ва юртимиз ва аҳолимизни фаровонлиги мақсадида давлатларҳамда халқаро ташкилотлар билан янада кенг доирада самарали ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш.
- Юқоридаги халқаро ҳамжамиятда қабул қилинган, лекин ҳозиргача кучга кирмаган конвенцияларни яна қайтаддан кўриб чиқиб амалга киритиш ҳақида Республика Олий Мажлисига тавсия этишликни ва унификация бўйича халқаро ҳуқуқда қабул қилинган конвенцияларни Ўзбекистонда бир тўплам сифатида чиқарилиши,
- Давлатлар ўртасида дўстлик муносабатларини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг ҳурматланишини қўллаб-қувватлаш сингари мақсадларига эришиш ва тамойилларини бажаришга кўмаклашиш,
- Ўзбекистонда Бозор муносабатларини шакллантириш даврида аҳолини кам таъминланган қатламини кучли ижтимоий ҳимоя қилишни зарур чораларини доимгидай куриб бориш;

- Европа Ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг ҳуқуқини унификациялашнинг вазифаси умумий кўринишда Европа Иқтисодий Ҳамжамияти Шартномасининг 3 «h»-моддасида “Умумий бозор” эҳтиёжи даражасида миллий қонунчиликларни бир бирига яқинлаштиришни, аниқроғи эса мувофиқлаштириш тажрибасини кенг жамоатчилик асосида ўрганиш,
- Ўзбекистонда “Халқаро хусусий ҳуқуқда унификация, кодификация ва систематизация” деб ном олган “Юриспруденция” йўналиши учун ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлаш.

Фойдаланилган адабиётлар:

I. РАҲБАРИЙ АДАБИЁТ

Каримов. И.А Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент, "Ўзбекистон", 2008 йил.

Каримов. И.А. Жахон молиявий – иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Тошкент, "Ўзбекистон", 2009 йил.

Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. –Т.: "Ўзбекистон", 2009 йил.

АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ - ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР.

2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январ.

МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ - УСТУВОР МАҚСАДИМИЗДИР.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 27 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари. Т.: Адолат, 2000.

Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. Т., 1996.

Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. Т., 1996.

Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. Т., 1996.

Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. Т., 1996.

Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. Т., 1997.

Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. Т., 1998.

Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. Т., 1999.

Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. Т., 2000.

Каримов И. А. Ватан манфаати учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. Т., 2001.

II. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Адолат, 2007.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т.: Адолат, 2005.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Т.: Адолат, 2005.
Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. Т.: Адолат, 2006.
Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Т.: Адолат, 2006.
Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси. Т.: Адолат, 2003.
Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Расмий нашр. Т., 2000-2001 йиллар.

III. МАХСУС АДАБИЁТ

Х.А.Рахмонкулов. Халқаро хусусий ҳуқуқ. Тошкент. 2002.
Гуломов. С.С, Халқаро савдо ҳуқуқи. Тошкент. 2002.
С.С.Хамроев. Халқаро хусусий ҳуқуқ(ўқув қўлланма) 2000.
И.Б.Зокиров. Фуқаролик ҳуқуқи. ТДЮИ. 2000
Ибратов Б.И. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Т., 2001.
Йўлдошев М.И., Турсунов Й. Банк ҳуқуқи. Т.: Молия, 2000.
Йўлдошев М.И., Турсунов Й. Суғурта ҳуқуқи, Т.: "Молия, 2002.
Юридик энциклопедия. Т.: Шарқ, 2001.
Каминка А. И. Очерки торгового права. СПб., 1912.
Международное право / Под. ред. Г. И. Тункина. М., 1994.
Портер М. Международная конкуренция. М.: Международные отношения, 1993.
Рахмонкулов Х.Р. Законодательные основы рынка. Т., 1996.
Рахмонкулов Х.Р. Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1997.
Рахмонкулов Х.Р. Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1998.
Рикардо Д. Принципы политической экономии М.: 1992.
Саъдуллаев Т., Турсунов Й. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ. Т.: Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети, 2000.
Синецкий Б.И. Внешнеторговые операции. М.: Международные отношения, 1987.
Уфимова Л.Г. Банковское право. М., 1994.
Федотова И.Г., Цыганкова Н.Н. Коммерция и право. М., 1991.
Фельдман А.А. Вексельное обращение Российская и международная прхужжатика. М., 1995.
Хамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият асослари. Т., 2001.
Цитович П. Учебник торгового права. Вып. 1. Киев–СПб., 1991.
Шершеневич Г. Ф. Курс торгового права. Казань, 1998.
Шершеневич Г. Ф. Учебник торгового права. М., 1996.
Шмидтгофф К. Экспорт: право и прхужжатика международной торговли. М., 1993.
Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига шарҳлар. Т., 2001.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳлар. Т., 1998.
 Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т.: Адолат, 1992–2001 йиллар. №1–21.
 Berman G., Goebel R., Davey W., Fox E. European Community Law. Selected Documents. West Publishing Co., St. Paul, Minn., 1993.
 Endereein F., Maskow D. International Salls Law. Oriana Publications, 1992.
 Folsom R., Gordon M. International Business Transactions. West Publishing Co., St. Paul, Minn., 1995.
 Goode R. Commercial Law. 2nd Edition. Penguin Books, 1995.
 Jackson J., Davey W., Sykes A. Jr. International Economic Relations. Cases, Materials and Text. 3d Edition. West Publishing Co., St. Paul, Minn., 1995.
 Jukubowski J., Tomaszewski., Tynel A., Wisniewski A. Zarys Mikdzynarodowego Prawa Handlowego. Pactwowe Wydawnictwo Naukowe, Warsawa, 1983.
 Loussourn Y., Bredin I.A. Droit duommerce international. Paris, 1969.
 Moussern J.M., Fabre R., Raynard J., Pierre J.L. Droit du commerce international. Paris, 1997.
 Watson A., Finance of international Trade. 5 th Edition. The chartered institute of Bankers. London, 1990.
 Weatherill St., Beaumont P., EC Law, Penguin books, 2-nd ed. 1995.

Наманган Давлат университети ҳуқуқшунослик
 факультети талабаси Назирова Дилнора Юнусжоновнанинг
 «Халқаро хусусий ҳуқуқда унификация, кодификация ва
 систематизация» мавзусида ёзган мустақил ишига илмий
 раҳбар, ўқитувчи

Тақризи.

Мустақил ишида ёритилган мавзу мустақил Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги босқичида муҳим аҳамиятга эга ва долзарбдир, чунки Мустақил ишида муаллиф Назирова Дилнора Юнусжонова таъкидлаганидек, халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатлар тизимида хусусий ҳуқуқ нормаларини унификациялаш, кодификациялаш ва систематизациялаш марказий ўринни эгаллайди. Давлатларнинг иқтисодий интеграциялашув даврида, халқаро хусусий ҳуқуқда, юридик ва жисмоний шахслар иштирокидаги муносабатларда халқаро хусусий ҳуқуққа оид муносабатларни унификацияланганлиги бартараф этилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Бозор муносабатлари ривожланган маМустақилтлар тажрибасига асосланиб айтиш мумкинки, бозор иқтисодиёти шароитида, халқаро алоқаларни самарали фаолият юритишининг асосий шарти, чет эл элементи аралашган муносабатларда халқаро хусусий ҳуқуқий нормаларни ечимини тўғри тушуниб етиш ва амалда мазкур ҳолатлар юзага келганда, бартараф этиш ҳамда жаҳон андозоларига мос равишда давлатларнинг миллий қонунчилик соҳасини такомиллаштириш ҳозирги кунимизнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Муаллиф Назирова Дилнора Юнусжонова мустақил ишида кўтарилган муаммоларнинг замонавий ҳолати ва унинг хусусий ҳуқуқ соҳасидаги истиқболий ривожланишини акс эттира олган.

Мустақил ишини ҳар бир бўлими тегишли равишда асослар, қарорлар ва хулосалар билан ёритилган.

Мустақил иши мавзусини ёритишда муаллиф Назирова Дилнора Юнусжонова Президент И.А.Каримов асарлари, давлатимиз қонунлари ва қонуности ҳужжатлари, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф

этилган норма ва принциплари, мавзу юзасидан мамлакатимизда ва хорижда чоп қилинган юридик адабиётларни ўрганган ва таҳлил қилган.

Мустақил иши мавзусини ёритишда муаллиф Назирова Дилнора Юнусжоновна қўйилаётган муаммолар юзасидан ўз фикр-мулоҳозаларини тушунарли баён қила олган.

Мустақил иши айрим грамматик хатолардан холи эмас.

Хулоса қилиб айтганда, талаба Назирова Дилнора Юнусжоновна «Халқаро хусусий ҳуқуқда унификация, кодификация ва систематизация» мавзусидаги мустақил иши мазмунан тугалланган ҳисобланади ва унда баён қилинган фикрлар асосланган, шунинг учун у шундай тоифадаги ишларга қўйилган талабларга жавоб беради.